20___ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

49 (533) ● 2018 йил 12 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Сана

КОНСТИТУЦИЯ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МЕВАСИ

ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати, фаровон ҳаётимиз асоси

1992 йилнинг 8 декабрь куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11-сессиясида мустақил давлатимиз Конституцияси қабул қилинди. Халқимизнинг хоҳиш-иродаси, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини мужассамлаштирган Асосий қонунимиз халқимизнинг асрий эзгу орзуси бўлган мустақиллик мевасидир.



Айни кунларда юртимиз бўйлаб тинч ва фаровон ҳаётимизнинг муҳим кафолати ҳамда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлган Бош қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма олти йиллиги кенг нишонланмоқда.

4-бет

Давлат рамзлари

ЖОНАЖОН ДИЁРИМИЗНИНГ БИРДАМЛИК ҚЎШИҒИ

она Ватанимиздан ғурурланишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, бугунимизнинг қадрига етишга, янги марраларни забт этишга ундайди

Давлат рамзлари мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи, халқимизнинг шаъни, ғурури, ор-номуси, тарихий хотираси ва орзу-умидларини ўзида мужассам этувчи муқаддас тимсоллар ҳисобланади. Зеро, юртимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Чунончи, Ватанимиз мадҳияси ҳам унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир. Мадҳиямиз мамлакат мустақиллиги, халқ озодлиги, давлатнинг буюк келажагига даъват қиладиган, фаровон жамият қуриш йўлида фидокорона меҳнат, бунёдкорлик ва тадбиркорликка руҳ бағишлайдиган истиқлол рамзидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонунда белгиланганидек, давлат суверенитетининг рамзи, унга катта эҳтиром билан қараш ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчидир. Шунингдек, нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки мамлакатимизда яшаб турган бошқа шахслар ҳам мадҳиямизни ҳурмат қилиши шарт. Унда халқимизнинг орзу-умидлари, келажакка мустаҳкам ишончи теран ифодаланган, бой ўтмишимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва биродарлик каби умуминсоний туйғулар тараннум этилган.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлини инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимизнинг тинч-осойишта, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш асосига қурди, халқаро ҳамжамиятга фаол интеграциялашув жараёнида тенгҳуқуқлилик тамойили асосида "тенглар ичра тенг" бўлиши, тинчлик ва барқарорлик сиёсатидан оғишмаслиги қатъий мустаҳкамланди.

Мазкур қонунга 2010 йил 24 декабрда ўзгартиш киритилиб, фуқароларимиз, шунингдек, мамлакатимизда бўлиб турган бошқа шахслар мадҳиямизни ҳурмат қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

2-бет

Депутат минбари

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ: УНИ АМАЛГА ОШИРИШГА НИМАЛАР ТЎСИҚ БЎЛМОҚДА?

Юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар самарали амалга оширилаётир. Инчунун жамиятнинг бебаҳо бойлиги бўлган инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда тиббий хизмат сифатини янада ошириш асосий мақсад-вазифаларимиздан бирига айланди.

Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Охирги икки йил ичида қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари фаолиятини яхшилаш, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, 1200 та тез тиббий ёрдам шохобчалари янгидан ташкил этилди. Жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи кенгайди. Хусусан, қўшимча 6 та республика илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, уларнинг сони 16 тага етди. Бундан ташқари, ҳудудларда ушбу марказларнинг 10 та филиали ва туман (шаҳар) шифохоналарида 306 та янги ихтисослашган бўлимлар ташкил этилди.

2018 йилда Давлат бюджетидан бу борадаги саъй-ҳаракатлар учун ўтган йилга нисбатан 40 фоизга кўп маблағ ажратилган бўлса, 2019 йилда эса жорий йилга қараганда қарийб 30 фоизга кўпайтирилиши режалаштирилаётгани эътиборга молик.

Аммо соҳада эришилаётган ижобий натижалар билан бирга, фуқароларнинг саломатлигини сақлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, миллат генофондини яхшилаш, тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, электрон тиббиётни ривожлантириш каби йўналишларда бир қанча муаммо ва камчиликлар мавжуд.

4-бет

Ушбу сонда:

СУЗУВЧИ СТАДИОН



7-бет



ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ 7-бет

Муносабат

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ БУГУНГИ ДАВР ТАЛАБИГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Бош қомусимиз — Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг натижалари, бу борада Конституциямизнинг тутган ўрни ҳақида батафсил тўхталиб, олдимизда турган устувор вазифаларни белгилаб берди.

Президентимиз ўз маърузасида парламент палаталарининг фаолияти, фойдаланилмаган имкониятлар ва келгуси вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, парламент ҳали ҳақиқий баҳс-мунозаралар майдонига айланмаганини, Олий Мажлис палаталарида қонунлар ижросини кўриб чиқиш, раҳбарлар ҳисоботини эшитиш билан чекланиб қолмай, бевосита жойлардаги аҳволни тизимли равишда ўрганиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш зарурлигини билдирди. Кенг кўламли ислоҳотлар самарасини таъминлаш борасида Олий Мажлис олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, Олий Мажлис палаталарининг парламент сўровлари ва парламент эшитувларини қонун-қарорлар ижроси ҳамда ислоҳотларимиз самарадорлигини таъминловчи таъсирчан воситага айлантириш, парламент вакилларининг бевосита жойларга чиқиб, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тизимли равишда чуқур ўрганиши, уларни ҳал этиш бўйича ҳукумат ва ҳокимликлар олдига вазифа қўйиши ва талаб қилиши, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ чораларни кўриши зарурлиги таъкидланди.

2-бет

Давра суҳбати

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ РИВОЖЛАНСА, МИЛЛАТ РАВНАҚ ТОПАДИ

Мамлакатимизда миллий маданият ва санъатни ривожлантириш, қадрият ва анъаналаримизни сақлаш, келажак авлодга етказиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси, 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси", 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурлари тасдиқланди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий ғоялари билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлган мазкур қарор моҳияти, ундан келиб чиқадиган вазифалар хусусида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакилларини давра суҳбатига чорладик.

4-бет

ОБУНА-2019

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158

Газетамизга обуна давом этмоқда!



Мамлакатимизда санъат, хусусан, кино санъатини ривожлантириш, ёш авлод тарбиясида унинг тутган ўрнини оширишга доимий эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ юртимиз кино усталари яратган асарлар халқаро танловларда ҳам нуфузли ўринларга сазовор бўлиб келаётир. Санъат ва маданият соҳаси янгиликлари ва мазмунли суҳбатлардан баҳраманд бўлишни истасангиз "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Ҳилол НАСИМОВ
режиссёр

Муносабат

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ БУГУНГИ ДАВР ТАЛАБИГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Қонуности ҳужжатларини қабул қилиш амалиётидан воз кечиб, тўғридан-тўғри қўлланадиган қонунлар қабул қилиш лозимлиги, ҳар бир қонун ёки қарор соҳадаги мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил этиш, хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш асосида яратилиши, ҳар қандай қонун ҳужжатини қабул қилишдан пировард мақсад — халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш эканини унутмаслик зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз маърузасини тинглаган ҳар бир депутат ўтган даврдаги фаолиятини сарҳисоб қилгани, ўзига ўзи "Нималарни амалга ошира олмадим?", "Энди қандай йўл тутишимиз керак?", "Қайси масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим?" каби саволларни бергани шубҳасиз.

Таъкидлаш лозим, ўтган икки йил давомида Сенат аъзолари ва қуйи палата депутатлари жойларга чиқиб, аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш амалиётини йўлга қўйди, уларни қийнаётган муаммоларни аниқлаб, бартараф этиш юзасидан қатор чораларни кўрди. Бироқ, жойларда аниқланган муаммоларга фақат ўша жойга хос муаммо сифатида қаралиб, уларнинг қайсилари тизимли муаммолар сирасига кириши, мавжуд масалаларнинг юзага келиш сабаблари нимада эканлиги, уларни бартараф этиш ва келгусида такрорланмаслиги учун қандай қонун ҳужжатларини қабул қилиш ёки қайсиларига тузатишлар киритиш зарурлигини чуқур таҳлил этишга етарлича эътибор қаратилмаганини тан олиш жоиз. Шундай экан, фаолиятимизда асосий эътиборни халқимиз талаб-истакларидан келиб чиқиб, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган, тўғридан-тўғри ишловчи қонунларни қабул қилишга, уларнинг ижро этилиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратишимиз даркор.

Шу билан бирга, биз халқ вакиллари аҳолида ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор беришимиз, жойларга чиққанимизда тарғибот-ташвиқот ишларига устувор аҳамият қаратишимиз зарур. Агар давлат, жамият ва ҳар бир фуқаро кўзлаган улуғ мақсадларимиз йўлида ўз ўрни ва масъулиятини ҳис қилиб яшаса ва шунга монанд ҳаракат қилса, албатта, келажагимиз буюклигини таъминлашимиз шубҳасиз.



Жуманазар ОТАЖОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

ЯНГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА АСОС ЯРАТИЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Бош қомусимизда белгилаб берилган фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, хусусан, ёшларни ўқитиш ва касбга тайёрлаш борасида олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб ўтган икки йилда таълим соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, таълим тизимида давр талабига мос мутлақо янгича ёндашувлар татбиқ этилди. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, асосий эътибор ёшларнинг илмга интилишини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, хорижий мамлакатлар билан турли соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилди. Давлат-хусусий шериклик асосидаги хусусий, оилавий таълим муассасалари ташкил этиш, уларга имтиёзлар беришга имкон яратилди.

Таълим тизимининг барча бўғинида иқтидорли болалар учун турли йўналишдаги таълим муассасалари ташкил этилди, ўқувчи ва талабаларнинг истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўз навбатида таълим соҳасида фаолият олиб бораётган тарбиячи, мураббий-педагог, профессор-ўқитувчилар учун ҳам муносиб меҳнат шароити яратилаётир. Соҳада фаолият олиб бораётган устоз-мураббийларнинг ойлик маоши босқичма-босқич оширилиб, уларни рағбатлантиришнинг янги механизмлари жорий қилинмоқда.

Мактабгача таълим тизимини ташкил этиш ва бошқариш янги босқичга кўтарилиб, мамлакатимизда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Бу борада илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари оммалаштирилаётир.

Маърузада таъкидланганидек, ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган мактабгача таълим муассасалари сони 1 минг 400 тага ортиб, 6 минг 367 тага етди. Давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилаётган хусусий мактабгача таълим масканлари сўнгги бир йилда икки баробар кўпайди ва 568 тани ташкил этмоқда. Яна мингта шундай боғча очиш бўйича амалий ишлар бошланган. Бир сўз билан айтганда, мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Таълим соҳасидаги ҳуқуқларимиз ҳақида гап кетганда, ота-оналаримизнинг таклифлари асосида умумтаълим мактаблари 11 йиллик тизимга ўтказилганлигини алоҳида эътироф этиш зарур.

10-11-синф ўқувчиларига беш кун умумий ўрта таълим олиш билан биргаликда бир кун касб ўрганиш имконияти яратилди.

Олий таълим тизимида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилиб, қабул жараёнининг очиқлиги ва ошкоралиги таъминланди. Билимли, иқтидори бор абитуриентларнинг таълим олиши учун зарур шароитлар яратилди. Бешта янги олий таълим муассасаси ташкил этилди, 12 хорижий таълим масканининг филиаллари, факультетлари очилиб, улар билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ёшларнинг хориждаги нуфузли олий ўқув юртларида ўқишига шароит яратиш мақсадида "Эл-юрт умиди" жамғармаси ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилларда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимиз келажаги, она Ватанимиз истиқболи учун хизмат қилади. Президентимиз илгари сураётган вазифалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари учун дастуриламал вазифасини ўтайди. Чунки бу мақсадлар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол янги авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратишга кўмаклашиш каби дастурий вазифаларимизга уйғун ва ҳамоҳангдир.



Ўрол ҲАИТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Давлат рамзлари

ЖОНАЖОН ДИЁРИМИЗНИНГ БИРДАМЛИК ҚЎШИҒИ

она Ватанимиздан ғурурланишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, бугунимизнинг қадрига етишга, янги марраларни забт этишга ундайди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мадҳия фақат мадҳ этиш эмас, балки юртга бўлган садоқат, эътиқоднинг ифодаланиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мустақилликка эътиқодни тарғиб қилади. Унинг матни фуқароларимизни мустақил давлат қуриш йўлида матонат ва жасоратга, сабр-тоқат ва фидокорликка, ташаббускорлик ва курашга чақиради, миллий ғурурни уйғотади. Мадҳиямиз умумхалқ байрамлари, расмий ташрифлар чоғида, йирик халқаро анжуманлар, спорт мусобақалари очилишида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда ижро этилиб, давлат суверенитетига эътиқод ва ҳурматни расмий мусиқа ҳамда матн билан ифода этади.

Мадҳиямизда юртимиз ва аждодларимиз шону шавкати, халқимизнинг орзу мақсадлари, бепоён ва гўзал она Ватанимиз, бунёдкор халқимиз ва унга хос фазилатлар мадҳ этилади. Жумладан, "...Яшнагай то абад илм-у фан ижод, шуҳратинг порласин токи бор жаҳон..." каби сўзлар азалдан илм-фан, маданият ва санъатга алоҳида эътибор қаратган халқимизнинг ўй-хаёллари, орзу-интилишлари билан уйғун. Зотан, халқимиз дунё илм-фани тараққиёти учун қанчадан-қанча буюк сиймоларни аллома ва мутафаккирларни етиштириб берган. Бугун дунё миқёсида кенг қўлланиладиган, тараққиётимизнинг муҳим омили, соғлиғимиз гаровига айланган "Алгебра", "Медицина" каби илмий атамалар улуғ боболаримиз номидан олинганини инобатга олсак, халқимиз маънавий жиҳатдан дунёдаги энг буюк халқлардан бири эканига яққол амин бўламиз. Мадҳиямиз ана шундай теран маънавий илдизларимиз борлигини эслатиб тургани учун ҳам қалбларимизни мудом ларзага солади.

Миллий мадҳиямиз муаззам садолари давлатимиз раҳбарининг турли мамлакатга расмий ташрифлари чоғида, Ўзбекистонга келган хорижий мамлакатларнинг раҳбарларини кутиб олиш маросимларида, юртимизда ўтаётган умумхалқ байрамларида, йирик халқаро анжуманлар, тинчлик ва дўстлик келишувларида, спортчиларимизнинг мамлакатимиз ва халқаро мусобақаларда энг баланд шоҳсупага кўтарилган пайтида баралла янграмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямизда мусаффо осмонимиз, бахтли ва фаровон ҳаётимиз, халқимизнинг асрий орзулари, келажакка ёруғ умиди ва мустаҳкам ишончи теран ифодаланган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда мадҳиямиз мусиқаси муаллифи — Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Бу йил давлатимиз мадҳияси матнини битган атоқли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов номини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб белгиланиши, давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши, барча соҳада улкан ислоҳотларнинг амалга оширилиши, дунё давлатлари, халқаро нуфузли ташкилотлар билан амалий ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши — барча-барчасининг замирида халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, бугунидан рози бўлиб, келажагига қатъий ишонч билан яшашини таъминлаш мақсади мужассамдир.

Юксак ватанпарварлик туйғусини мужассам этган мадҳиямиз бугун таълим масканларида ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат руҳида камол топишига хизмат қилмоқда. Энди ҳарф таний бошлаган жажжи фарзандларимиз миллатимизнинг бош қўшиғини куйлай бошлаганида севинчдан ҳаяжонга тушамиз. Бундай лаҳзаларда халқ ва Ватан улуғланган қўшиқ инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этишга, бу ёруғ оламни янада мунаввар кўрсатадиган илоҳий мўъжиза эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Юртнинг энг улуғ қўшиғини эъзозлаш, ёд олиш ва баралла куйлаш ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир.

Зеро, мадҳиянинг ҳар бир жумласи қалбларимизни тўлқинлантиради. Ундаги ҳар бир сўз мингйиллик анъана ва қадриятларимизга уйғун ва ҳамоҳанг, халқимизга хос бағрикенглик, ҳалоллик, тинчликсеварлик каби фазилат ва хусусиятларни тараннум этади. Шу жиҳатдан ҳам бу қўшиқ биз учун нафақат истиқлол рамзи, балки тинчлик-тотувлик ва хотиржамлик тимсолидир. Шунинг учун ҳам ёшларда давлатимиз мадҳиясига нисбатан чуқур ҳурмат руҳини шакллантиришимиз лозим. Зотан, бу қўшиқ буюк келажагимизни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган халқимизни, ўз истеъдоди билан дунёни лол қолдираётган навқирон авлод вакилларини янги марралар сари илҳомлантиради, бунёдкорликка ундайди. Бу эса юртимиз тараққиёти ва халқимизнинг фаровон турмушини таъминлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида миллий ўзликни англаш, ватандошларимизда миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш асосий мақсад-вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу боис партия фуқаролар, айниқса, ёшларни давлат рамзларини эъзозлаш, ардоқлаш, уларга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиб келмоқда. Давлат рамзларининг маъно-мазмунини, аҳамиятини кенг тарғиб этишга қаратилган чора-тадбирларда партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар ҳам фаол иштирок этиб, рамзларимизнинг қонунчилик асосларини ёшларга етказишга эътибор қаратмоқда.

Партия ёш авлод онгида давлат рамзларига ҳурмат руҳини шакллантириш, миллий ўзликни англаш, ватандошларимизда миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларининг мустаҳкам қарор топиши, "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди? Миллатимиз қандай фазилатларга таяниб, юксак марраларга эришди ва оламшумул шуҳрат қозонди?" деган масалаларга жавоб излашни ва ёшларни ана шу руҳда тарбиялашни миллий тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида қарайди. Шу боис партиянинг барча даражадаги ташкилотлари бу каби мақсадларни устувор вазифа сифатида белгилаган.

Бир сўз билан айтганда, давлат мадҳиясидаги ҳар бир сўз миллий ўзлигимиз, қадрият ва анъаналаримизни ёдга солади, маънавий тарбиячи вазифасини ўтайди. Шу боис уни ҳурмат қилишимиз, эъзозлашимиз, мазмун-моҳиятини кенг ва чуқур тарғиб қилишимиз лозим. Ёшлар онгу шуурига ана шундай фикр-ғояни сингдириш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир. Зотан, мадҳиямизга ҳурмат — миллий ўзлигимизга, урф-одат, қадрият ва анъаналаримизга ҳурматдир. Озод юртимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандлари келажакка қатъий ишонч билан юксак марралар сари дадил одимламоқда. Демак, истиқлолимизни, юртимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг ақл-заковати, аждодларимизнинг шон-шуҳрати ва авлодларимизнинг ёруғ келажагини шарафловчи бу тарона асрлар оша баралла янграйверади.



Алишер ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Танлов

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Коррупция — нафақат инсон ҳуқуқлари бузилишига, балки хавфсизликка таҳдид солувчи уюшган жиноятчиликнинг ривожланишига ҳам шароит яратувчи хавфли жиноят саналади. Шу боис мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу иллатга қарши курашиш доимийлик касб этмоқда. Хусусан, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида " Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт" деган фикрлари ҳар бир фуқаро зиммасига янада улкан масъулият юклайди.



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши томонидан "Биз коррупцияга қарши курашамиз" мавзусида плакатлар танлови эълон қилинган эди. 9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан мазкур танлов якунига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Тадбир аввалида плакатлар танловига келиб тушган ижодий ишлар кўргазмаси намойиш этилди. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ҳамда П.Бенков номидаги Республика рассомлик коллежи ўқувчиларининг ижодий ишлари тақдим этилди.

— Коррупцияга қарши курашиш бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнида ёшлар ҳам фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова. — Бундай тадбирни ташкил этишдан асосий мақсадимиз бу иллатга қарши курашишда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини янги авлод онгига сингдиришдан иборат. Қолаверса, коррупцияга қарши курашишда ўз ижодий қобилиятини намоён этган фаол ёшларни рағбатлантиришмуҳим аҳамиятга эга.

Таъкидланганидек, талаба ва ўқувчиларнинг ушбу мавзуда икки ҳафта давомида чизган суратлари ташкилотчилардан иборат ишчи гуруҳга топширилди. Ижодий ишларда, айниқса, тиббиёт ва таълим соҳаларида учраётган коррупция ҳолатлари кўринишларига кенг ўрин берилган. Ёшларнинг ижодий ишларида ҳар қандай иллатга барҳам беришда унинг ўзи билан эмас, балки уларни келтириб чиқараётган омилларга қарши курашишга эътибор қаратилгани диққатга сазовор.

Мавзунинг расмларда акс этган долзарблиги, кенг қўламлилиги ҳамда ижодий маҳоратга қараб совриндорлар аниқланди. Институт талабаларидан Муниса Ёқубова (1-ўрин), Шаҳзода Ҳамидова (2-ўрин), Дилором Музаффарова (3-ўрин), коллеж ўқувчиларидан Шерали Кенжаев (1-ўрин), Бону Насриддинова (2-ўрин) ва Ҳумора Ҳамдамова (3-ўрин) ғолиб деб топилди. Бундан ташқари, бир гуруҳ ёшлар рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлди.

— Ушбу танловда "Мен — коррупцияга қаршиман" номли плакатим билан иштирок этиб, унда олий таълим соҳасида учраётган порахўрлик мавзусига эътибор қаратдим, — дейди Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси, танлов ғолиби Муниса Ёқубова. — Ушбу мавзуни танлашимдан мақсад — юртимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг олий таълим тизимида таҳсил олиши, ўз билим ва маҳоратини ошириши йўлида ғов бўлаётган бу иллатга йўл қўймасликни рангтасвир орқали тасвирлашдан иборат.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг Конституциямизнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи мазмун-моҳияти ёшларга атрофлича тушунтирилди. Ғолиб ва совриндорларга ЎзМТДП Марказий кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилфуза МАҲКАМОВА, Сардор МУЛЛАЖОНОВ (фото), "Milliy tiklanish" мухбирлари

Ҳудудий кенгашларда

ХОРАЗМ ТАШАББУСЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

партия Президент ташрифидан келиб чиқиб ўз вазифаларини белгилаб олмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан Урганч шаҳрида "Хоразмнинг азим салоҳияти бизни ташаббусга чорлайди" мавзусида очиқ мулоқот ташкил этилди. Унда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Марказий кенгаши вакиллари, партиядан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатлар, партия фаоллари, маданият ишлари бошқармаси, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси минтақалараро давлтат инспекцияси, "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ходимлари иштирок этди.



Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 29–30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда мавжуд бир қатор фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигини кўрсатиб, давлат ва жамоат ташкилотлари олдига муайян вазифалар қўйди. Жумладан, сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатлар зиммасига ҳам. Шу боис очиқ мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда ана шу вазифалардан келиб чиқиб, ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгашининг "йўл харитаси" белгилаб олинди.

— Хоразм вилоятида туризмни янада ривожлантириш масаласи партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган туризм индустриясини ривожлантириш, юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш, шунингдек, мамлакатимиз пойтахти ҳамда ҳудудларни, шаҳар билан қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантиришга, турли минтақаларимизда яшаётган одамларнинг яшаш шароити, турмуш тарзини тенглаштириш каби мақсад-вазифаларига уйғун ва ҳамоҳангдир, — деди тадбирда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Козим Тожиев. — Шу боис вилоятдаги партия ташкилотлари ва депутатлар Президентимиз ташаббуси билан барпо этилиши режалаштирилаётган маданият объектлари, бунёдкорлик намуналари ҳамда "Обод қишлоқ" дастури доирасида амалга оширилаётган ишларга муносиб улуш қўшиши лозим. Хоразмнинг азим салоҳиятини юзага чиқариш учун янги-янги ташаббусларни илгари суриш, фаоллик кўрсатиш ҳаётий таклиф ва ғоялар исботини топиши учун жонбозлик кўрсатишлари даркор.

Тадбирда ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Ражаббой Рўзметов сўзга чиқиб, Президентимиз ташрифи асосида ишлаб чиқилган "йўл харитаси" партиямиз учун сайловчилар ишончини оқлаш ва келгуси йил бўлиб ўтадиган сайловларда муносиб иштирок этиш йўлида ўзига хос имконият эканини таъкидлади. Партия Президентимиз томонидан вилоят туристик салоҳиятини рўёбга чиқариш, тарихимизни янада чуқурроқ ўрганиш борасида қўйилган вазифалар ижроси таъминланишини назорат қилиш учун ваколатидан тўла фойдаланишга интилади.

— Бугунги очиқ мулоқотда "йўл харитаси"нинг асосий бандлари, ижро муддатлари белгилаб олинди, — деди халқ депутатлари Хива туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Дилдора Раззоқова. — Партия фаоллари ва депутатлар бу борада бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришни режалаштирмоқда. Шунингдек, мазкур тарғибот тадбирларини вилоятнинг барча туман ва шаҳрида, маҳаллаларда, таълим муассасаларида ўтказишга келишиб олинди.

Шунингдек, қатнашчилар "йўл харитаси"ни янада бойитиш мақсадида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, туризмни ривожлантириш, бунинг учун эса хорижлик сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш юзасидан аниқ таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирди. Шунингдек, очиқ мулоқотда ҳунармандчиликнинг йўқолиб бораётган йўналишларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, ёшлар қалбида ватанпарварлик, фидойилик, миллий ғурур ҳиссини уйғотиш мақсадида "Жалолиддин Мангуберди авлодларимиз" кўрик-танловини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

Янги лойиҳа — амалда

Халқимизда аждодларини, насл-насабини билиш анъанаси қадрият даражасига кўтарилган. Бунинг натижасида, айниқса, касб-ҳунарда сулолалар етишиб чиққан, шу соҳада мактаблар шаклланган. Ота-боболаримиз аждодларининг кимлигини етти пуштигача мукаммал билишни ҳам қарз, ҳам фарз санаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб айни шу мақсадда янги лойиҳа — "Менинг шажарам" республика танловини ташкил этди. Айни пайтда мазкур танловнинг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда.

"МЕНИНГ ШАЖАРАМ": ҚАДРИЯТЛАР ДАВОМИЙЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказилган "Менинг шажарам" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида Бухоро ва Когон шаҳри, Жондор ҳамда Қоровулбозор туманидан келган сулолалар вакиллари қатнашди.

Кўрик-танловда вилоятда таниқли сулолалар, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда меҳнат қилиб обрў-эътибор қозонган оилалар вакиллари — халқаро танловлар ғолиби, таниқли темирчи уста Шокир ота Камолов, Бухоро давлат университети ўқитувчиси Турғун Усмонов ҳамда Когон шаҳар ички ишлар бўлими қўриқлаш бўлинмаси ходими Дилмурод Файзиев ва Когон шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби мусиқа ўқитувчиси Мафтуна Авезова Низом талаблари асосида учта — "Бизнинг шажара", "Аждодларимиз — фахримиз", "Оиламизнинг жамият равнақига қўшаётган ҳиссаси" каби шартлар бўйича тайёрлаган ижодий ишларини ҳайъат аъзоларига тақдим этди.

Иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишида сулолалар давомийлигида акс этган инсонпарварлик, ватанпарварлик, олийжаноблик хислати, она ерга муҳаббат, аждодларига чексиз ҳурмат, уларга муносиб бўлишга интилиш, ота-боболари билан фахрланиш туйғуси яққол акс этди.

Якуний хулосаларга кўра, темирчи уста Шокир ота Камолов кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Шокир ота КАМОЛОВ,
темирчи уста, кўрик-танловнинг Бухоро вилоят босқичи ғолиби:

— Мазкур кўрик-танлов ЎзМТДП мақсад-вазифаларига ҳамоҳанг тарзда оилавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар бардавомлиги, энг асосийси, ўз сулоласини билиш, қадрлаш орқали уларнинг эзгу ишларини давом эттириш каби умуминсоний қадриятларнинг давомийлигини таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, ёшларни оилавий қадриятлар, элу юртга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, аждодларимизнинг Ватанимиз равнақига қўшган ҳиссасини эътироф этиш, қадрлашга ўргатиш, эзгу ишларини давом эттиришга қаратилган ғоя ва ташаббусларни рўёбга чиқаришда бу каби амалий ва ҳаётий лойиҳалар долзарб аҳамият касб этади.

Гулчеҳра ШАРИПОВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

***

Шажара — бу бамисоли улкан дарахт. Унинг илдизи қанча чуқур ва мустаҳкам бўлса, у шунча узоқ яшайди. Мевалари ширин бўлса, эл орасида эъзозланади ва қадр топади. Инсонлар ҳам худди шу дарахт кабидир.

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан ўтказилган "Менинг шажарам" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида партия вилоят кенгаши ходимлари, "Аёллар қаноти" ҳамда "Ёшлар қаноти" етакчилари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими вакиллари, маҳаллалар фаоллари, хотин-қизлар ва ёшлар иштирок этди.

— Танловнинг асосий мақсади Ўзбекистон фуқароларининг миллатлараро жипслик, ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ва дахлдорлик туйғусини шакллантириш, маънавий, миллий, оилавий қадриятларни, урф-одат ва анъаналарни, бой тарихий меросни асраб-авайлашдан иборат, — деди ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Умиджон Жабборов. — Фуқароларда миллий ўзликни англаш, ватандошларимизда миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларини мустаҳкамлаш, "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди? Миллатимиз қандай фазилатларга таяниб, юксак марраларга эришди ва оламшумул шуҳрат қозонди?", деган саволга амалий мисоллар орқали жавоб излашда бу каби кўрик-танловлар муҳим ўрин тутади.

Танлов уч босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда танловда иштирок этиш истагида бўлган оила вакилларидан аризалар қабул қилинди. Иккинчи босқичда эса танлов Низоми талаблари асосида иштирокчилар уч шарт бўйича тайёрлаган ижодий ишларини ҳайъат аъзоларига тақдим этдилар. Уларнинг ижодий ишлари ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, сараланганлар кўрик-танловнинг республика босқичига тавсия этилди.

Зуҳрахон АЛИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, танлов иштирокчиси:

— Фарғона азалдан олиму шоирлар, буюк кашфиёт эгалари, маърифатпарварлар юрти саналади. Улар орасида бизнинг бобокалонимиз — мударрис, хаттот ва шоир Турсунали Қаландарҳожи ўғли Надимий ҳам бор эди. Шоирнинг бизга маълум бўлмаган адабий меросини унинг катта қизи Саодатхон отин асраб-авайлаб келган. Бу ҳақда Фарғона педагогика институти (ҳозирги ФарДУ) доценти, таниқли адабиётшунос олим Муҳаммаджон Мадғозиев илмий изланишлар олиб борган. Бироқ Надимий ҳақида билганимиздан билмаганимиз кўп эди. Ўтган асрнинг 60-йилларида "Гулистон" журналида "Надимий Кубогий" номли мақола, туман газетасида шоир ҳақида маълумот ва айрим ғазалларидан намуналар берилган, холос. Орадан йиллар ўтиб, 2015 йилда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида шоирнинг ғазаллари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Надимий халқининг ҳаёти, келажаги, миллатнинг тақдири, маърифати учун курашган шоир эди. У халқимизнинг илму урфон, ақлу заковат, маданият борасида ўзга халқлардан кам бўлмаслиги, хатто энг олдинги сафларда туришини орзу қилган. Ундан бир қанча ғазал, рубоий ва маснавийлар қўлёзма шаклида қолган. Аксарият китоб ва баёзлари ашёвий далил сифатида олиб кетилган. Ҳозирда бобокалонимизнинг ҳаёти ва ижоди юзасидан тадқиқотлар олиб боряпмиз.

Ўктамҳожи ота ҲАЙДАРОВ,
танлов иштирокчиси:

— Ушбу кўрик-танлов орқали сулоламизга тааллуқли бўлган янада кўп маълумотларни билиб олдик. Сулоламизнинг илк бошловчиси бўлган Ҳайдар бува тахминан XX асрнинг 70-йилларида туғилган. Маълумотларга қарағанда, у алпқомат, паҳлавон, саховатли, ўз даврининг илмли инсонларидан бўлган. Ундан шажарамиз давомчилари Нуриддин, Сурмахон ва Мўйдинжон исмли фарзандлар қолган. Халқимизда "Етти пуштини билган — боқий авлод" мазмунидаги ҳикматли сўзлар бежизга айтилмаган. Ўз шажарасини билган авлод ҳақиқатан ҳам умрбоқийдир. Шундай экан, партиянинг ушбу лойиҳаси ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутади. Бу каби хайрли ишларни амалга ошириш орқали инсон қадр-қиммати улуғланади. Миллий урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, келажак авлодга ўргатиш, ёшларни ота-боболарига юксак ҳурмат, фахр-ифтихор руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадлар йўлида барчани бирлаштиради.

Муҳаббатхон ЖЎРАЕВА,
ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Учрашув

ЎТТИЗ ОЛТИ НАФАР ТЕАТР ХОДИМИ

ЎзМТДП сафига қабул қилинди

Бугун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз амалий ишлари, ҳаётий лойиҳалари билан кенг жамоатчилик ичига тобора чуқурроқ кириб боришга интилмоқда. Бу эса партия фаолияти билан қизиқувчилар, ЎзМТДП сафида бўлиб, унинг эзгу ишларида ҳамфикр, ҳамқадам бўлишни истовчилар сони ортиб боришига замин бўлмоқда. Яқинда ЎзМТДП Марказий кенгаши томонидан Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театрида ташкил этилган учрашувда партия ғояларига хайрихоҳ бўлган ана шундай бир гуруҳ ёш ижодкорлар партия аъзолигига қабул қилинди.

Учрашувда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий ва Тошкент шаҳар кенгашлари ходимлари, театр жамоаси ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов, раис ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова, фракция аъзолари Акмал Раҳмонов, Элдор Туляков ҳамда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театри директори Мирза Азизов бугун юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ижодкор зиёлилар учун яратилаётган шарт-шароитлар, бу жараёнларда Бош Қомусимиз муҳим асос бўлаётгани ҳақида тўхталиб ўтдилар. Депутатлар театр жамоасига қонун ижодкорлиги жараёни, ўтган давр мобайнида Конституцияга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида маълумотлар бердилар. ЎзМТДП ва театр бир неча йилдан буён ҳамкор сифатида фаолият олиб бораётгани, бу маънавият ўчоғида партиянинг бошланғич ташкилоти тузилгани алоҳида қайд этилди.

Учрашув сўнггида театрда фаолият олиб бораётган 36 нафар ёш ижодкор Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзолигига қабул қилинди. Уларга партия аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари учун "Олифта" спектакли намойиш этилди.



Акмалжон АБДУЛАЗИЗОВ,
Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театри актёри:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ғоя ва мақсадлари биз ижодкорлар қалбига яқинлиги, партиянинг ижтимоий қатлами, асосан, ижодкор-зиёлилардан иборат эканлиги бизни партия сафида бўлишга ундади. Бугун юртимизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларда, жойлардаги ҳолатни ўрганишда, янги ғоя ва ҳаётий ташаббусларни илгари суришда ЎзМТДП ва унинг депутатлари фаол иштирок этаётир. Аслида ҳам миллий тикланиш ғояси ҳар бир ватанпарвар инсоннинг қалбига чўғ солиб туриши, шубҳасиз. Мен ҳам шу партия сафида бўлиб, ёшларнинг маънавий-маданий иммунитетини юксалтириш, маданият, санъат соҳаси ривожига кўмаклашиш каби эзгу мақсад-вазифалари йўлида ҳиссамни қўшишни ният қилдим.

Ўз мухбиримиз

Муаммо ечим топди

ЎзМТДП ДЕПУТАТЛАРИ ҲУНАРМАНДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Маҳаллий Кенгашларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар бугун ўз фаолиятида аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Тоҳир Ўринов шу йилнинг 10 ойида аҳоли мурожаатлари асосида тегишли ташкилотларга 22 депутатлик сўровини юбориб, қатор масалаларни ижобий ҳал қилишга эришди.

— "Депутат билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган учрашувда ЎзМТДПдан сайланган депутат Тоҳир Ўриновга паррандачиликни ривожлантириш учун банкка имтиёзли кредит олмоқчи бўлиб мурожаат қилганим, лекин банк ходимлари сансалорликка йўл қўйиб, кредит ажратмаётганини айтган эдим, — дейди Кармана туманидаги Катта мачит маҳалласида яшовчи Дилбар Каримова. — Мурожаатимдан 5 кун ўтиб, менга 10 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Ҳозирда ана шу кредитдан фойдаланиб, бройлер товуқларини парвариш қиляпман.

Хатирчи туманидаги "Gold Door Service" хусусий корхонаси раҳбари Икром Эрматов ҳам юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга ҳисса қўшиш мақсадида MDF эшиклар ясашни ният қилганди. Бироқ фақат ниятнинг ўзи билан иш битмади. Аро йўлда қолган тадбиркорнинг муаммосига депутат Тоҳир Ўринов ўтказган сайёр қабулда ечим топилди.

— Сайёр қабулда депутатдан банк кредити олишда ёрдам сўрадим, — дейди хатирчилик тадбиркор Икром Эрматов. — Натижада, кўп ўтмай, менга 500 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу пулга хориждан керакли асбоб-ускуналар харид қилиб, фаолиятимизни йўлга қўйдик. Айни пайтда оиламиз вакилларидан ташқари яна 5 кишини иш билан таъминладик. Ҳозирча ички бозорга маҳсулот етказиб беряпмиз.

Хатирчилик якка тартибдаги тадбиркор Комила Ёдгорова ҳам ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида имтиёзли кредит олишни мақсад қилганди. Бироқ бу тадбиркор ҳам кредит олишда қатор муаммоларга дуч келди.

— Депутатга мурожаат қилганимдан сўнггина 2 йилга 7 фоиз миқдорида 51 миллион сўм кредит олдим, — дейди Комила Ёдгорова. — Ҳозир асосан бешик ва сандиқ ясаяпмиз. Тўртта ишчимиз бор. Келажакда фаолиятимизни янада ривожлантирамиз. Халқ вакиллари қўллаб-қувватлаб тургани бизга катта ишонч бағишлаяпти.

"Ҳунарманд" уюшмаси Зарафшон шаҳар бўлими аъзолари ўтган йили 80 нафарни ташкил этган бўлса, соҳани ривожлантиришга қаратилган эътибор самарасида бугун улар сони 200 нафардан ошиб кетди. Зардўзлик, миллий либослар тикиш, металлдан буюмлар ясаш каби йўналишлар ҳудуд ҳунармандчилигининг етакчи тармоқлари саналади.

Зарафшон шаҳридаги "Лайло" тикув цехи ҳам халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи вакиллари саъй-ҳаракатлари билан фаолиятини янада ривожлантирди. Мазкур корхона раҳбари Лайло Нарзиевани айтишича, айнан депутат Тоҳир Ўриновга мурожаатидан сўнг унинг корхонасига "Микрокредитбанк" Зарафшон шаҳар филиали 50 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратган. Мазкур кредит эвазига замонавий тикув дастгоҳларини харид қилган тадбиркор ҳозирда буюртма асосида миллий либослардан то махсус иш кийимларигача тайёрлаб бермоқда.

Депутат давлат ва халқ ўртасидаги кўприкдир. Жойларда депутатлар томонидан ташкил этилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари, фуқаролар билан юзма-юз мулоқот, уларнинг орзу-ўйлари, ташвишларини яқиндан билиш, муаммоларини тезда ҳал этиш имконини бермоқда. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Депутат бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Депутат — фикри-зикри билан халққа энг яқин одам, доимо элюртнинг ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс". Демак, барча ЎзМТДП депутати аҳоли мурожаатлари билан самарали ишлаши, ўз ваколатидан фойдаланиб, уларни ўйлантираётган масалаларни ижобий ҳал этишга кўмаклашиши даркор.

Абдували БЎРИЕВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Сана

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Конституция мустақил давлатнинг асосий қонуни ҳисобланади. Унда давлат тузилиши, ҳокимият, бошқарув органлари тизими, уларнинг ваколати ҳамда шакллантириш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизими, давлат билан жамиятнинг ўзаро муносабатлари белгиланади. Шу боис Конституция ҳар бир давлатнинг юзи, нуфузининг кўзгуси ҳисобланади. Бош қомусимизда туциямиз устувор ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Айни пайтда мамлакатимизда 20 мингдан зиёд қонун ҳужжати мавжуд бўлса, уларнинг барчаси Конституцияга мувофиқ ишлаб чиқилган. Зеро, Бош қомусимиз юртимиз келажаги, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиётини таъминлаш, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларда мустаҳкам асос ҳисобланади. Унинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшларни мамлакатимиз асосий ҳужжатини ўқиб-ўрганишга жалб этиш ҳар ҳар томонлама монандлигига ишонч ҳосил қилдик. Бош қомусимизда оила, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, касб танлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса одамлар ҳаёт тарзини янада яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш каби эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Шу боис, тадбирда Конституциямизни мунтазам ва чуқур ўрганиш, уни ҳаётимизнинг дастуриламалига айлантириш, шу асосда ҳуқуқ ва эркинликларимизни рўёбга чиқариш ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқла-

КОНСТИТУЦИЯ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МЕВАСИ

ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати, фаровон ҳаётимиз асоси

умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари, ривожланган хорижий давлатларнинг амалиёти ҳамда миллий давлатчилигимиз анъаналари, кўп асрлик миллий урф-одатларимиз ҳамда инсонпарварлик ғоялари чуқур сингдирилган.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ташаббуси билан ўтказилган "Конституция — ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асоси" мавзусидаги семинарда ана шундай фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Конституция узоқ тарихга эга бўлиб, қадимги даврларда у сиёсий тузумни англатган, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодиржон Мухторов. — Буюк француз инқилоби даврида "конституция" атамаси "давлатнинг ҳолати" маъносида қўлланилган. Инсоният ўзининг кўп асрлик тарихий тажрибаси асосида давлатда конституция бўлиши шарт эканлиги ҳақида хулосага келди. Чунки конституцияси йўқ жамиятда маълум даражада ижтимоий тартибсизлик ва ҳуқуқий тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Шу боис юртимизда мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратиш ишига киришилди ва халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла жавоб берадиган, миллий давлатчилик тизимига асосланган Бош қомусимиз вужудга келди. Бугун юртимиз қўлга киритаётган ютуқлар, изчил ва босқичма-босқич ислоҳотлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини барпо этишдек улуғвор мақсадлар замирида Конституциямиз устувор ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Айни пайтда мамлакатимизда 20 мингдан зиёд қонун ҳужжати мавжуд бўлса, уларнинг барчаси Конституцияга мувофиқ ишлаб чиқилган. Зеро, Бош қомусимиз юртимиз келажаги, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиётини таъминлаш, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларда мустаҳкам асос ҳисобланади. Унинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшларни мамлакатимиз асосий ҳужжатини ўқиб-ўрганишга жалб этиш ҳар ҳар томонлама монандлигига ишонч ҳосил қилдик. Бош қомусимизда оила, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, касб танлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса одамлар ҳаёт тарзини янада яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш каби эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Шу боис, тадбирда Конституциямизни мунтазам ва чуқур ўрганиш, уни ҳаётимизнинг дастуриламалига айлантириш, шу асосда ҳуқуқ ва эркинликларимизни рўёбга чиқариш ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш барчамизнинг бурчимиз эканлиги алоҳида таъкидланди.

Семинар қизғин савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Академия талабалари Диёр Абдураупов, Масъуд Ҳайдаров ва бошқалар "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг бугунги кундаги ижроси, коррупцияга қарши курашиш борасидаги самарали таъсир чоралари юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, фракция аъзоларидан батафсил маълумот олдилар. Тадбирда бугун она Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик-осудалик, аҳоли турмуш даражасининг тобора юксалиб бораётгани Конституциямизда белгиланган қоида ва тамойиллар шарофати эканлиги қайд этилди.

Шуҳрат ЁВҚОЧЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда". Қолаверса, кейинги йилларда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, халқ билан мулоқот тизими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарининг фаолияти йўлга қўйилгани Бош қомусимиз меъёр ва тамойилларини амалиётда кенг татбиқ этилишига, шунингдек, Конституциянинг 2-моддасида белгиланган давлатнинг халқ иродасини ифода этиши ва унинг манфаатларига хизмат қилишини назарда тутувчи норманинг амалга оширилишига хизмат қилаётир. ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган бугунги тадбирда Конституциямизнинг аҳамияти ҳақида талабаларимизга янада кенгроқ тушунча берилди. Улар Асосий қонунимиз яратилишининг мураккаб ва муҳим, айни чоғда шарафли солномасига назар солиб, Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг юксак тафаккури, давлатчилик тарихимиз, умуминсоний қадриятлар маҳсули эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Умида УЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Давра суҳбати

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ РИВОЖЛАНСА, МИЛЛАТ РАВНАҚ ТОПАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Феруза МУҲАММАДЖОНОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари:

— Мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори халқимизнинг бой миллий маданиятини кенг ўрганиш ва тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди. Қарорда миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар мавжудлиги санаб ўтилиб, уларни тезроқ бартараф этиш бўйича чоралар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясида белгиланган ҳар бир мақсад-вазифа ўз мазмун-моҳиятига кўра ЎзМТДП дастурий мақсад ва ғоялари билан муштарак. Бугун партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, миллий мусиқа санъатини, болалар қўшиқчилигини ривожлантириш, умуман, маданият ва санъат соҳаси равнақига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, мусиқа таълимининг навқирон авлодни юксак маънавиятли этиб камол топтиришдаги ўрнини ҳисобга олиб, мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактабларидаги мусиқий таълимнинг сифати, болалар қўшиқчилигининг бугунги аҳволи ўрганилди. Бу борада партия юзга яқин таълим муассасасида очиқ мулоқотлар ташкил этди. Ўрганиш натижалари асосида таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли мутасаддиларга тақдим этилди. Бундан ташқари, 2019 йилда буюк аждодларимизнинг жаҳон илмий тафаккурининг ривожланишига қўшган бебаҳо ҳиссаси, маънавий бойлигимизни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида "Турон замин даҳолари" онлайн танловини ташкил этиш ниятидамиз. Бу каби саъй-ҳаракатларимиз мазкур концепцияда белгиланган қатор вазифалар ижросига ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга хизмат қилади.



Мухтабар ҲУСАНОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси юртимизда миллий маданият ва санъатимизни янада равнақ топтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Унда белгиланган маданият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани, ушбу соҳадаги институционал тизимни, маданият муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, тарихий-маданий меросимизни сақлаш, уни ёш авлод тарбиясида кенг қўллаш каби вазифалар биз депутатлар, айниқса, ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларини янада шижоат билан ишлашга, ташаббус кўрсатишга ундайди. Бугун фракциямиз аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган "Маданият тўғрисида"ги, "Театр ва театр фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳалари миллий маданиятимиз ривожида, соҳадаги муаммоларни бартараф этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлади. Бундан ташқари, янги таҳрирдаги "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш, жойларда "Музейлар тўғрисида"ги қонуннинг ижросини ўрганиш, бир сўз билан айтганда, маданият ва санъат соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўрганиш олдимизда турган муҳим вазифалардандир. Таъкидлаш жоиз, партия Марказий кенгаши ва Маданият вазирлиги ўртасида тузилган ҳамкорлик меморандуми асосидаги чора-тадбирлар дастурида соҳада ўзаро ҳамкорликда олиб бориладиган қатор вазифалар белгилаб олинган. Келгусида вазирлик, унинг бошқарма ва тузилмалари билан бирга чора-тадбирлар дастури ва концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга мунтазам эътибор қаратамиз. Миллий маданиятимиз, санъатимиз равнақи, ўзига хос қадриятларимизни асраб-авайлаш ва тарғиб этишда барча имкониятдан самарали фойдаланишга интиламиз.



Суннатали УМАРОВ,
халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Мамлакатимизда халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш, Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этиш борасида қилинаётган бунёдкорлик ишлари алоҳида эътирофга лойиқ. Бундан ташқари, "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Фанлар академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази тузилди.

Яқинда ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналарини, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш мақсадида Шаҳрисабзда Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилди. Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва музейи ташкил этилди. Термиз шаҳрида эса ҳар икки йилда бир марта Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ташкил этиш ҳамда ушбу фестивални биринчи марта 2019 йилнинг 5-10 апрель кунлари ўтказиш белгилангани ноёб меросимизнинг нуфузини жаҳон миқёсида ошириш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

Аммо миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор камчиликлар мавжудлиги соҳада қилиниши лозим бўлган вазифалар талай эканлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан мазкур ҳужжатда белгиланган миллий маданиятни янада ривожлантириш бўйича муҳим вазифа ва топшириқлар халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, уни жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятимизни янада кенгроқ тарғиб этиш, унинг халқаро миқёсдаги ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Ушбу қарорда кўзда тутилган ҳар бир мақсад-вазифа ижросини таъминлашда биз депутатлар ҳам ЎзМТДП дастурий вазифалари асосида кўмакдош бўлишимиз лозим.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат минбари

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ: УНИ АМАЛГА ОШИРИШГА НИМАЛАР ТЎСИҚ БЎЛМОҚДА?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бундан ташқари, тиббиёт муассасалари фаолиятида ўзаро интеграция ҳали тўлиқ йўлга қўйилмаган, кўрсаткичи юқори бўлган касалликларни стационар даволаш учун ихтисослашган ўринлар ташкил этиш имконияти гарчи мавжуд бўлса-да, баъзи туман (шаҳар)ларда бундай бўлим (ўрин)лар ташкил этилмаган, айрим туман ва шаҳар стационар муассасаларида ажратилган ўринлардан фойдаланиш самарадорлиги жуда паст.

Қолаверса, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва режалаштириш бўйича концепция ҳамда стратегик мақсадлар мавжуд эмас, соҳани молиялаштириш тизими эскирганлиги мамлакатимизда фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилаётир. Касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, патронаж ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш самарадорлиги паст даражада, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг даража ва босқичлари, даволаш ва саломатликни тиклаш жараёнида узвийлик суст ривожланган. Тиббиёт тизимида кадрлар тайёрлашдаги муаммолар, тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан интеграцияси сустлиги, ихтисослаштирилган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги замонавий тиббиёт ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этишга салбий таъсир кўрсатаётир. Электрон соғлиқни сақлаш соҳасида ягона стандартлар мавжуд эмас, тиббий хизматнинг интеграцияси ва самарали бошқарилишини таъминлайдиган замонавий дастурий маҳсулотлар жорий этилмаган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоларининг ҳудудлардаги ўрганишлари жараёнида ҳам қатор муаммоларга дуч келинди. Хусусан, баъзи туманларда даволанаётган беморлар кўплигидан сметадан ташқари қўшимча ўринлар ташкил этилмоқда ва бу ўз-ўзидан муассасада дори воситалари ва тиббий буюмлар етишмаслиги, санитария-гигиена талаблари бузилишига олиб келмоқда. Шифохоналарнинг реанимация бўлимлари барча ҳудудда бир хил, яъни аҳоли сони инобатга олинмай ташкил этилган, бу эса баъзи туманларда бемор кўплиги сабабли улар белгиланган меъёрдан ортиқ ишлашига сабаб бўлмоқда.

Шу боис бугунги кунда соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, соҳани ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида муҳим амалий дастурлар қабул қилинмоқда. Хусусан,



2018 йил 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур фармонга мувофиқ 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни унификациялаш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тиббиёт ходимлари масъулияти ва ҳимоясини кучайтиришга қаратилган тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунларни қабул қилиш ва такомиллаштириш каби муҳим йўналишлар белгиланди. Хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклик ва тиббий туризмни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш, тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш каби масалалар ўз аксини топди.

Фармонда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши пировардида соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг масъулиятини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт муассасаларини молиялаштириш тизими ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланиш яхшилаш, мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш орқали тиббий хизматлар сифатини ошириш, соҳани малакали тиббий кадрлар билан тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

"Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Хусусийлаштириш ва пуллик хизматларни ташкил қилиш маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари, "Ўзмединфо" электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш маркази тугатилиб, вазирлик тузилмасида Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари, давлат унитар корхонаси шаклида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ташкил этилмоқда. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси, марказий аппарати тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг намунавий тузилмаси янгидан тасдиқланди.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг малакали тиббий хизмат олишга доир конституциявий ҳуқуқлари таъминланишига хизмат қилади. Бунинг учун эса, аввало, соҳага доир қабул қилинаётган барча ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлаш ва назорат қилиш биринчи галдаги вазифалар сарасига киради. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар одамлар ҳаётида ўз натижасини кўрсатиши учун ҳар бир мутасадди ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб фаолият кўрсатиши зарур. Ўз навбатида, биз парламент вакиллари ҳам соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, жойлардаги мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, ҳаётий, аниқ таклифлар беришда ташаббускор бўлишимиз лозим.

Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси ҳамда ЎзМТДП фракцияси аъзоси



// Бугуннинг гапи

ТАШҚАРИДА ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА. БОҒЧАЛАРДА ЭСА...

"Келажак боғчадан бошланади". Президентимизнинг бу ғояси асосида мамлакатимизда мактабгача таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинаётгани, узоқ йиллар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, қаровсиз ва ташландиқ кўринишга келган мактабгача таълим муассасалари қайта таъмирланиб, энг олис ва чекка ҳудудларда ҳам замонавий, кўркам қиёфали боғчалар қад ростлаётгани халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда. Мазкур соҳада янги вазирлик ва тузилмалар ташкил қилиниб, буткул янги тизим амалиётга киритилмоқда. Чунки мактабгача таълим тизими таълимнинг дастлабки ва асосий босқичи ҳисобланади. Ёш авлод, аввало, шу масканда таълим-тарбия олади, келажак учун илк қадамларини қўяди. Бу ғоят муҳим жараён.



...Мактабгача таълим тизимида ҳудудларда олиб борилаётган ишлар билан бевосита танишиш мақсадида Самарқанд вилояти мактабгача таълим бошқармасига йўл олдик. Бошқарма бошлиғи иш жойида йўқлиги сабаб унинг ўринбосари Шуҳрат Раҳмонов билан учрашдик. У киши бизга зарур маълумотларни кечга томон тайёрлаб беришини айтди. Аммо... ваъдасининг устидан чиқмади. Маълумот олиш учун яна бошқармага боришимизга тўғри келди. Шуҳрат Раҳмоновни бу сафар тополмадик: хизмат сафарига кетган дейишди. Ниҳоят телефон орқали бўлса-да, бошқарма методисти Шерали Бухоров билан боғланиб, керакли маълумотларни олишга муваффақ бўлдик.

Маълумотга қараганда, айни пайтда вилоятда 607 мактабгача таълим муассасасида 75 мингдан ортиқ бола тарбияланмоқда. Биз ушбу маълумот асосида мактабгача таълим муассасаларининг аҳволи, куз-қиш мавсумига кўрилган тайёргарлик, болаларга яратилган шароитларни ўрганиш мақсадида Оқдарё туманига йўл олдик...

Туман мактабгача таълим бўлими мудири Бахтигул Асророванинг таъкидлашича, туманда 25 мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларнинг 15 таси замонавий, 10 таси мослаштирилган бинода фаолият юритмоқда. Тумандаги 34 маҳалла фуқаролар йиғинининг 11 тасида мактабгача таълим муассасаси мавжуд эмас. Бугунги кунда Оқдарёда боғча ёшидаги болалар сони 12 мингдан зиёд. Айни дамда 2 минг 165 нафар (17 фоиз) бола мактабгача таълим муассасасига қатнамоқда. Бўлим ҳуқуқшуноси Ғолиб Абдуҳакимов ҳамроҳлигида 20 ва 27-мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан танишдик.

— Муассасамиз 60 ўринга мўлжалланган, — дейди 20-мактабгача таълим муассасаси мудираси Райҳона Умарова. — 4 гуруҳда 80 нафар бола тарбияланяпти. Ҳудудимизда жами 560 нафар боғча ёшидаги бола бор. Табиийки, боғчамизда уларнинг ҳаммасини қамраб олиш имконияти йўқ. Шундай бўлса-да, эҳтиёж кўплиги учун яна 20 нафар болани қўшимча қабул қилишга мажбур бўлдик.

Бино билан танишиш жараёнида энг аввало эътиборимизни тортган жиҳат бу, санитар-гигиеник шароит бўлди. Болалар учун мўлжалланган алоҳида ҳожатхона бор. Аммо у... ишламайди. Табиийки, канализация қувурлари уланмаган. Иситиш мосламаси ҳам яроқсиз ҳолатда. Сув қувурларида носозлик мавжуд. Мазкур муассасани "Темурбек Муслимхон" МЧЖ гарчи 2016 йилда қурган бўлса-да, лекин ишлар ўлда-жўлда амалга оширилгани бир қарашда билинади. Муассаса мудираси Райҳона Умарова бир неча марта ушбу масъулияти чекланган жамият ва туман ҳокимлиги мутасаддиларига мурожаат қилган. Аммо натижа бўлмаган. Кўп ўтмай бинонинг кириш йўлаклари ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бино ён-атрофи ҳам ҳавас қилгулик даражада эмас. Болалар ювиниш хонаси оддий талабга жавоб бермайди. Катта гуруҳлар учун лозим бўлган шароитдан асар ҳам йўқ.

Шундан сўнг тумандаги 27-мактабгача таълим муассасасига йўл олдик. Муассасага кириб боришдаги йўлакни кўрибоқ ҳар қандай кишининг таъби хира бўлиши аниқ.

— Муассасамиз биноси 1975 йилда қурилган, — дейди муассаса мудираси Назокат Ўроқова. — 2016 йилда қайта таъмирланган. Боғча 90 ўринга мўлжалланган. Айни вақтда 80 нафар бола тарбияланмоқда. Қисқа муддатли гуруҳда эса 40 нафар бола таълим-тарбия олаётир. Яқин кунларда яна битта гуруҳ ташкил этишни режалаштиряпмиз. Ҳудудда 100 нафардан зиёд боғча ёшидаги болалар бор. Уларнинг 30 нафари туман Давлат хизматлари марказида навбатда турибди.

Кичик гуруҳ мураббийси Жамила Набиева мусиқа машғулотларини мусиқа хонасида эмас, кираверишнинг ўзида — болалар кийиниш ва ечиниш жойида ўтаётганини кўриб таажжубимиз ортди. Қолаверса, болаларнинг мусиқа ўрганиши атиги битта пианино билан чекланган бу борадаги ишлар ҳам мақтангулик аҳволда эмаслигидан далолат.

Масканда гарчи кичик омборхона бўлса-да, аммо қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тандирхонада сақланишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу билан маъмуриятнинг ўз ишига сидқидилдан ёндашмаслиги, беъэтибор эканлигини пайқаш қийин эмас.

...Қўшработ туманининг олис ва тоғ олди ҳудудларида ҳам бўлдик. Туман мактабгача таълим бўлими давлат мактабгача таълим муассасалари бўйича шўъба раҳбари Шоира Сайфуллаеванинг таъкидлашича, тумандаги 16 мактабгача таълим муассасасида 1 минг 380 га яқин ўғил-қиз тарбияланади. Туманда боғча ёшидаги болалар сони эса 11 минг 792 нафарни ташкил этади. Бу боғча ёшидаги ўғил-қизларнинг атиги 14 фоизи қамраб олинганини кўрсатади.

Шундан сўнг туман мактабгача таълим бошқармаси ҳисобчиси Дўсёр Холмўминов ҳамроҳлигида 8, 14 ва 15-мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан танишдик. 8-мактабгача таълим муассасаси биносини кўрган заҳотиёқ таъбимиз хира бўлди. Муассаса ҳудуди охирги марта қачон супурги кўрганини ҳам эслай олмаса керак. Ён-атрофда бегона ўтлар ўсиб ётибди. Бинонинг айрим эшик-деразалари қўпориб олинган. Аксарият деразаларнинг ойнаси синган ёки умуман йўқ. Ёрилган, сувоғи кўчган деворларни-ку айтмасангиз ҳам бу ердаги шарт-шароитдан "сўзлаб" тургандек... Хуллас, бир пайтлар эзгу ниятда, барча қулайлик муҳайё этилган иншоот бугун хароб аҳволда.

Ошхонанинг ҳолатини кўриб ажабландик: санитария-гигиена талабларига умуман жавоб бермайди. Болаларнинг овқатланиши номига, қўл учида ташкил қилинган. Таомнома эса умуман йўқ. Бу ерда ҳам қўшни туманда гувоҳ бўлганимиз сингари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўмирхонада сақланаётганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Йўл-йўлакай ҳамшира хонасини кўрмоқчи бўлдик. Боғча ҳамшираси Ойгул Раимова жойида йўқ экан. Унинг қаердалигини ҳеч ким билмади. Шундай бўлса-да, тиббиёт хонасини кўздан кечирдик. Хонага бир неча ойдан бери инсон зоти қадам босмагани шундай кўриниб турибди. Хона каламушлар "мозор"ига айланган. Энг тоза ва озода тутилиши шарт бўлган тиббиёт хонасининг абгор ҳолга келишига сабабчи бўлган, "вируслар макони"га айланишига йўл қўйиб берган инсонга қандай қилиб болалар саломатлигини ишониб топшириш мумкин? Тиббиёт қутисида бор-йўғи 3-4 турдаги дорилар сақланмоқда. Уларнинг сақланиш муддати эса аллақачон ўтиб кетган.

Куннинг иккинчи ярмида тумандаги 14-мактабгача таълим муассасасига йўл олдик. Бино кўмир билан иситилар экан. Бироқ муассасадаги айрим хоналарда иситиш печлари ҳалигача ўрнатилмаган. Болалар ётоқхонасидаги кроват, чойшаблар эскириб қолган. Тушликка болаларга қуруқ макарон ва битта тухумни иккига бўлиб берилаётганига гувоҳ бўлдик.

Бу ҳам майли, ётоқхонада 20 нафар боланинг 15 тасига жой ажратилган, қолган 5 нафарига эса кроватлар етишмаслиги сабаб машғулотлар хонасида — ерга жой солинган.

Мактабгача таълим муассасасида тиббиёт хонаси умуман мавжуд эмас. Ҳамшира йўлак бурчагида ўзи учун махсус жой ҳозирлаб, ўша ерда иш олиб борар экан. Муассасаса билан танишиш жараёнида болалар соғлиги учун жавобгар саналган тиббиёт ходими охирги марта қачон дори олганини ҳам эслай олмади...

Қўшработ туманидаги сўнгги манзилимиз 15-мактабгача таълим муассасаси бўлди. Бу ердаги аҳвол ҳам олдинги кўрганларимиздан сира фарқ қилмайди.

— Тўғрисини айтсам, камчиликларимиз жуда кўп, — дейди муассаса мудираси Хуршида Самадова. — Ходимларимизнинг педагогик савиясини ҳали синовдан ўтказганим йўқ. Қолаверса, муассасамизда столлар етишмайди. Идиш-товоқларнинг камлиги боис уйдан олиб келиб ишлатяпмиз. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш учун бир неча йилдан бери туман мутасаддилари ва ҳокимликка мурожаат қилдим. Аммо натижа бўлмаяпти.

Муассасада 60 нафар бола уч гуруҳда тарбияланяпти. Хоналарга электр чироқлари ўрнатилмаган. Ташқарида эса қиш эшик қоқмоқда...

— Мактабгача таълим тизимидаги мавжуд муаммолар бугун ёки кеча эмас, балки йиллар давомида тўпланиб келаётганди, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Ўрол Ҳаитов. — Шу боис уларни бир ёки икки йил ичида ҳал этишнинг имкони йўқ. Буни фақат тўғри тушуниш керак. Соҳани тубдан ўзгартириш учун, аввало, барча қулайликка эга янги замонавий бинолар, етук малакали кадрлар, уларнинг тўла-тўкис иш олиб боришида қулай иш шароити ва моддий-техник база зарур. Тизимга оид ҳужжатлар қабул қилингани биланоқ ҳамма томон обод бўлиб кетмайди. Бироқ, албатта, вақт факторини бой бермай тизимни босқичма-босқич янгилаб бориш керак. Бунда биринчи галда бола тарбиясига бўлган муносабатимизни буткул ўзгартиришимиз, янгилашимиз лозим. Жойлардаги ўрганишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, болани миллий руҳда тарбиялаш борасида баъзи жиддий муаммолар мавжуд. Хўш, миллий руҳда тарбиялашнинг ўзи нима, бунда нималарга алоҳида эътибор бериш талаб этилади? Аввало, мактабгача таълим муассасаси халқимизга хос бўлган миллий анъана ва қадриятларга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда қурилмоғи, жиҳозланмоғи, ичидаги ҳар бир ўйинчоқдан тортиб оддий кичик бир деталда ҳам миллий руҳ уфуриб турмоғи керак. Булар болани миллий руҳда тарбиялашнинг ибтидоси саналади. Яна бир муаммо шундан иборатки, боғчаларимизда ўргатилаётган мусиқа сабоқларида миллий куй-қўшиқларимиз сони ниҳоятда кам. Борлари ҳам болага эстетик завқ бера олмайди. Бизнингча, боғчаларнинг умумий манзарасини шакллантиришда халқимизнинг бой маънавий мероси бўлмиш эртак, достон, масал ва маталлардаги образлардан кенг фойдаланиш мумкин. Булар фарзандларимизни миллий руҳда тарбиялашда муҳим омил саналади.

Дарҳақиқат, айни пайтда, бутун тизим ислоҳ қилиняпти. Давлат-хусусий шериклик, ҳатто нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйишга ҳам имкон бериляпти. Демак, тадбиркорларимиз ҳам болаларимиз таълим-тарбиясига энди бефарқ бўлмаслиги, ўз ҳиссасини қўшиши лозим бўлади. Боғчада бугун чироқ ёки кўмир йўқ экан, масъул ташкилот ва идоралар масъулиятни тўлиқ бўйнига олиши, назорат органлари ўз вақтида қатъий чора-тадбирлар кўрмоғи зарур.

Дарвоқе, мактабгача таълим тизими янгидан ислоҳ қилинаётганига атиги бир йил бўлди. Демак, келгусида бу борада ҳали қилиниши шарт бўлган ишлар талайгина. Бизнинг кўрган-кечирганларимиз эса шу кундаги ҳолат. Республикамизнинг чекка ҳудудларидаги гувоҳи бўлган манзараларни оширмай-тоширмай ёздик. Ҳис-ҳаяжонга ҳам берилмадик. Ишонмаганлар келиб кўриши мумкин.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

// Очиғини айтганда...

Кейинги пайтларда пойтахтимизда машиналар тобора кўпайиб бораётгани ва бунинг оқибатида юзага келаётган ноқулайликлар ҳақида кўп ва хўп эшитамиз. Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳри кўчаларида бир кунда 500 мингга яқин машина ҳаракат қилади. Дунёнинг мегаполис шаҳарларида бўлгани каби пойтахтимизда тез-тез тирбандлик муаммоси пайдо бўлишига кўникиб ҳам қоляпмиз. Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари бунга ҳайдовчиларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлаётгани, яъни машиналарини тўғри келган жойга қўйиб кетаётгани сабаб тиқилинч ("пробка") пайдо бўлаётганини бот-бот эслатиб турибди. Ҳайдовчилар ҳам бўш келаётгани йўқ. Автомобиль тўхташ жойлари йўқлигини ва йўл бўйларига эса "тўхташ мумкин эмас" белгиси ҳаддан ортиқ кўп қўйилганини айтиб, камайтиришни талаб қилмоқда. Шунинг учунми, яқинда баъзи жойлардан бу белги олиб ташланди ёки бошқасига алмаштирилди. Лекин бу белгилар Алишер Навоий, Ислом Каримов, Амир Темур номидаги марказий кўчалар, истироҳат боғлари, Чорсу, Фарҳод ва Қўйлиқ каби йирик бозорларимиз атрофида ҳамон "ўлжа"сини кутиб турибди.

Лекин бугун сийқаси чиққан бу мавзу ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Шу билан боғлиқ бошқа бир муаммога эътибор қаратмоқчимиз.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИГА БОРМАНГ, 600 МИНГ СЎМ ЖАРИМА ТЎЛАЙСИЗ

Давлат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар бинолари олдида имкониятдан келиб чиқиб турагроҳлар ҳозирланаётгани яхши. Аммо бундай "стоянка"ларга фақат ушбу муассасага тегишли бўлган хизмат машиналари кириши мумкинлиги ёмон бўлмоқда.

— Давлат ташкилотида ҳайдовчи бўлиб ишлайман, — дейди ўзини Ботир деб таништирган ҳайдовчи. — Хизмат юзасидан деярли ҳар куни икки-уч маротаба Тошкент шаҳар ҳокимлигига келаман ва ҳар сафар машинани қаерга қўяман, деган "бошоғриқ"қа дуч келаман. Бу ерда автотураргоҳ бор, аммо ундан фақат ҳокимликнинг хизмат машиналари фойдаланиши мумкин холос. Бўлмаса, тез-тез келганимиз боис таниш бўлиб қолган "стоянка"да турган йигитларга "Мен ҳам давлат ташкилотининг ҳайдовчисиман, машинам шахсий эмас, бирпасга қўйиб турай" деган гапни ҳар сафар ҳеч тушунтиролмайман. Улар бир хил — "йўқ, мумкин эмас" деган гапни такрорлашдан бошқасини билмайди. Бир сафар машинани "э-э, нима бўлса, бўлар" деб, "тўхташ мумкин эмас" белгиси ўрнатилган Биринчи Президентимиз номидаги катта кўчада қолдирдим. Хат ташлагани ҳокимиятга кириб чиқсам, машинам олдида йўл ҳаракати хавфсизлиги нозирлари турибди. Пешонамдан тер чиқиб кетди. Ахир 800 минг сўмлик ойлик оламан, 600 минг сўм жарима тўласам, уйим куяди-ку! Шу куни "Мен ҳам хизматдаман, бирровга ҳокимияга хат ташлагани кириб-чиқдим" дея қўлимдаги қоғозни кўрсатиб йўл инспекторига роса ялиндим. Инспекторнинг инсофлисига йўлиққан эканман, қўйиб юборди. Чунки улар "қармоққа илинган ўлжа"сини ҳеч қачон қўйиб юбормасди-да. Кетаяпманку, "ўзингни ер қилиб, шунчалик ялинасанми, нима, жонингни олармиди?!" дея йиғлашни ҳам, хурсанд бўлишни ҳам билмайман. Таклифим: давлат идоралари хизмат машиналарини турагроҳларга киритиши керак. Жой бўлмаса бошқа гап, аксарияти доимо бўм-бўш туради.

Ҳақиқатан ҳам кўп идораларнинг автотураргоҳларига фақат шу ташкилотга тегишли бўлган хизмат машиналарининг киришига рухсат берилган. Ҳатто айримларига бундай ҳуқуққа эга бўлган машиналарнинг рақамлари ҳам ёзиб қўйилган. Аммо кузатишлар жараёнида бундай "стоянка"ларда шахсий машиналарнинг ҳам турганига кўп гувоҳ бўлганман. Хўш, бундай турагроҳлардан фақат хизмат доирасида фойдаланиш мумкин бўлса, шахсий машиналар қаердан пайдо бўляпти? Тақиқ барча учун баробар эмасми?

Яқинда бунинг ҳам тагига етдик. Сиз "стояншик"лар билан келишолсангиз, ҳатто шахсий машиналарнинг кириши буткул тақиқланган автотурагоҳдан машинангиз учун махсус жой ҳам ажратиб қўйилади. Бунинг учун қоровул йигитларни ҳар куни ёки ойда бир марта "рози" қилиб турсангиз бўлгани. Ишонмасангиз Тошкент шаҳар ҳокимияти, Республика тез ёрдам тиббиёт бирлашмаси, умуман, идора ва ташкилотлар турагроҳи иш жараёнини зимдан кузатинг. Бу гапларни ўқиб, кўпчилик "э-э, олса олибди-да, ўзлари рози бўлиб беряпти-ку" дея қўл силташи мумкин. Тўғри, ўзимиз рози бўлиб беряпмиз. Аммо "рози" қиламиз деб ҳалол ишлаётган шифокорни қўлимизга қарайдиган қилиб қўйдик, "рози" қилаверганимиздан солиқчи укамиз бир "нарса" бермасак, ишимизни ортга суриш касалига дучор бўлди. Домламизга "яхши" гапирмасак, имтиҳондан қолиб кетишимиз мумкин. Агар ижара (прописка қилинмаган) уйда тинч яшашни истасам "участкавой"нинг ҳам кўнглини "олишим" керак. Хуллас, ҳамма нарса "рози-ризочилик" билан бўлиши зарур деган ақидага шунчалик ўрганиб қолдикки, бугун ўзимизни ўзимиз ҳам рози қилмасак, кўнглимиз жойига тушмай қолди. Бу иллатдан қачон қутуламиз, билмадим. Агар билсангиз айтинг, бунинг учун, албатта, сизни ҳам "рози" қиламан.

Равшан МАҲМУДОВ,
журналист

// Газетхон минбари

БЕШ КУНЛИК ТАЪЛИМ ФАҚАТ ЎҚУВЧИ УЧУНМИ?

("Ўқитувчи нимадан норози?" мақоласини ўқиб...)

Ўқитувчилик шарафли, аммо машаққатли касблардан. Шунданми баъзан, "фарзандларим ўқитувчи бўлишини хоҳламайман", деган гапларни ҳатто шу касб эгаларининг ўзларидан ҳам эшитиб қоламиз...

Бу касбнинг барча аччиқ-чучугини тотган инсон сифатида "Миллий тикланиш" газетасининг шу йил 21 ноябрь (46) сонидаги бир гуруҳ пойтахтлик ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўқиб айни кўнглимдаги гаплар ёзилганига ишонч ҳосил қилдим. Унда таълим тизимида дуч келинаётган муаммолар кўтарилган. Мақолада ўқитувчиларнинг ҳаддан ортиқ кўп ҳужжат тайёрлаш билан андармон бўлиб қолаётгани ҳақидаги мулоҳаза, айниқса, ўринли.

Ўзимга келсак, фаолиятимнинг кўп даври мактабда ишлаш энг оғир бўлган йилларга тўғри келди. Ўқитувчининг зиммасидаги асоссиз юкламалар, ортиқча қоғозбозликлар, мактабга алоқаси бўлмаган ишлар кўпайтирилиб, арзимаган иш ҳақи тўланиши таълим тизимига катта зиён етказди. Орамизда бу қийинчиликларга чидамай ишни ташлаб кетганлар ҳам бўлди. Президентимизга катта раҳмат, фаолиятининг дастлабки кунларидан таълим тизимини ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратиб, мактабнинг, ўқитувчининг ишига тўғри ёндашувни йўлга қўйди. Энди ёш авлод тарбияси қоғозда эмас, амалда давлатимизнинг энг муҳим вазифасига айланди.

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида, хусусан, мактабларда чуқур ўзгаришлар жараёни кечаётир. Замонавий мактаблар, янги дарсликларни кўриб, кўз қувонади. Демак, эндиги муҳим вазифа — яхши ўқитиш ва яхши ўқиш. Аммо... Ҳамма жойда ҳам таълимга алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш, ортиқча расмиятчилик ва қоғозбозликларга буткул барҳам берилди, десак ёлғон гапирган бўламиз.

Масалан, ўзим ишлаб келаётган мактабимиздан қиёс. Дарс машғулотларига кириш вақти деярли ҳар куни ўзгаради: бир куни соат саккиз яримда бўлса, эртаси куни тўққизда ёки яна ўзгариб қолиши мумкин. Тўғри, мен бошланғич синф ўқитувчисиман, раҳбарлик синфим бор, аммо бошқа педагогларнинг дарс жадвали жуда бетартиб тузилган. Агар вақтдан унумли фойдаланиш, таълим жараёни самарали бўлиши учун ўйлаб иш юритилганида, яъни дарс жадвали ҳар бир ўқитувчи билан маслаҳатлашилиб ишлаб чиқилганида эди, ҳеч қандай муаммога ҳожат қолмаган бўларди. Афсуски, бунинг оқибатида ўқувчининг феъл-атворидан келиб чиққан ҳолда билимини кучайтириш йўлларини қидириш керак бўлган ўқитувчи бир соат дарс учун бир кунини йўқотишга мажбур...

Ҳозир ўқитувчилар учун таълим-тарбия бериш билан бир қаторда, ҳужжатларни тўлдириш, яъни қоғозбозлик муҳим бўлиб қолмоқда. Мақолада тўғри таъкидланган: янги ўқув йилида биз ҳам дастлаб ҳақиқий журнал келса кейинчалик кўчириб қўярмиз, деган ниятда оддий дафтардан журнал сифатида фойдаландик. Бир ойдан сўнг мактаб маъмурияти яна бир қўлбола журнал "ихтиро қилди": унда ўқувчиларнинг исми-шарифи ёзилган (улар алифбо тартиби бўйича ёзилган эмас, бу ўқитувчи ишини янада қийинлаштиради), қолаверса, катаклар етарлича бўлмагани учун мавзу ёки бошқа ёзувлар ҳам сиғмай қолди. Бунга ҳам чидаб (амаллаб!) ўзимиз тутган дафтар ("журнал")даги ёзувларни ушбу қўлбола журналга кўчирдик. Уни кўчириб бўлар-бўлмас туман халқ таълими бўлимидан бошқа журнал нусхаси келди. Савол туғилади: бундай "кўчир-кўчир"лардан педагог қачон қутулади-ю, педагогик маҳорати ва малакасини ошириб бориши, ўқувчидан бир қадам олдинда юриши учун ўз устида изланишга қачон вақт топади? Ўқитувчи қоғозбозликка сарфлайдиган вақтини ўқувчиларга сифатли билим беришга бағишласа яхши эмасми? Ҳолбуки, биз мактаб ўқитувчилари фақат мактаб дарсликларидан эмас, олий таълим даражасидаги китоблардан ҳам хабардор бўлишимиз, фандаги янгилик, ўзгаришларни кузатиб боришимиз лозим.

Таълим сифати бевосита педагог маҳоратига боғлиқ, фидойи муаллим иш фаолияти давомида бой тажриба орттиради, деймиз. Бошланғич синф ўқитувчиси бўлиш ва бу соҳада узоқ муддат ишлаш эса шунчаки осон иш эмас. Ўзингиз ўйланг, партада тўғри ўтиришни билмайдиган болага таълим-тарбия бериш игна билан қудуқ қазишдек гап. Устига-устак керак-нокерак қоғозбозликлар ҳали ҳам тугагани йўқ. Бошланғич синф дарс машғулотлари беш кунлик тизимга ўтилди, бир кун дам оламиз, ўз устимизда ишлармиз, деб ўйлаган эдик. Қаёқда, шанба куни ҳам мактабда ўтиришимиз шарт экан. Ахир аёл ўқитувчи зиммасида уй-рўзғор юмушлари борлигини ҳам унутмаслик керак эмасми? Айни шу масалага ҳам ойдинлик киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди...

Аслида ўз касбига фидойи инсонга обрў-эътибор топиш, эл олқишини олиш учун кўп йил шарт эмас. Жамоада ўз ўрнини топиши, ҳурмат-эҳтиром кўриши учун танлаган касбига меҳр-муҳаббат, билим ва маҳорат, изланувчанлик ва фидойилик билан ёндашиш лозим, холос. Бунинг учун эса ўқитувчини қоғозлар дарёсига улоқтирмасдан, билимини ошириши, тажрибаси устида ишлаши учун имкон, вақт бериш керак.

Сайёра ОРТИҚОВА,
Боғот туманидаги 45-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

MILLIY TIKLANISH
49 (533) 2018 йил 12 декабрь, чоршанба

Фармон ва ижро

ҲАЁТ ИНСОНГА БИР МАРТА БЕРИЛАДИ

уни эзгу ва савобли амаллар билан безамоқ ўз қўлимизда



Инсон ҳаёти давомида турфа синовларга дуч келади. У хоҳ аччиқ, хоҳ чучук бўлсин тақдирига битилганидан қочиб қутула олмайди. Ҳа, бу бор гап. Лекин ана шу тақдир йўлларини эзгу амаллар, савоб ишлар билан безамоқ кишининг ўз қўлида. Билиб-билмай экстремистик оқимларга қўшилиб қолган, тўғри йўлдан адашган кўпгина юртдошларимиз бугун қилмишидан пушаймон, қилган ишидан афсус ва надоматда...

Давлатимиз раҳбарининг бағрикенглик ва инсонпарварлик сиёсати ана шундай адашган ва турли алдовларга ишониб, оқибатда содир этган қилмиши туфайли ҳукм қилинган юзлаб юртдошларимизнинг оиласи бағрига қайтишига имконият яратди. Улар озод бўлиши билан бир қаторда, саховатпеша давлатимиз томонидан ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиш ҳамда бошқа қатор шароитлардан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар.

Президентимизнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги ва 19 сентябрдаги "Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонлари бу борада ўзига хос амалий ечим бўлди. Мазкур фармонлар асосида Қашқадарё вилоятидан ҳам 12 киши афв этилди.

— Юртбошимиз ва халқимизнинг ишончи сабаб кечирилганим — менинг тўғри қадам қўйишим учун жуда катта имконият, — дейди Қарши шаҳрида яшовчи Анвар Қўзиев. — Аввалги ҳаётим билан ҳозирги давримни солиштирадиган бўлсам, шукрки, ҳаммаси тубдан ўзгарган. Кеч бўлса-да, барчасини тушуниб етдим. Саёқ юриш, она Ватан, ота-она, яқинларнинг қадрига етмаслик қандай оқибатларга олиб келишини англадим. Инсон учун озод бўлиш, ҳалол меҳнат қилишнинг ўзи катта бахт, қувонч. Қарангки, бугун нафақат озод бўлдим, балки моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди, бепул тиббий кўрикдан ўтиб, меҳнатга лаёқатли деб топилдим. Ҳозирги кунда "Софт тренинг партнёр" масъулияти чекланган жамиятига ишга жойлашдим. Келажакдан умидим катта, кейинчалик тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйиш ниятим бор. Алюмин пластик эшик-ромлар ишлаб чиқариб, эл-юртга, оиламга фойдам тегса дейман. Энг муҳими, оилам, фарзандларимнинг ёнимда эканлиги менга кўмак, далда бўлмоқда.

Айни пайтда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги муқаддам судланганларни ижтимоий ҳимоялаш кўникма маркази афв этилганларни қўллаб-қувватлаш ва уларга маънан кўмак беришга алоҳида эътибор қаратаётир. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, ҳар жиҳатдан эътибор кўрсатилмоқда. Хусусан, мутасадди ташкилотлар томонидан тўлиқ ҳисобга олиш, тиббий кўрикдан ўтказиш, юқумли касалликларга чалинганларни даволаш, вояга етмаган фарзандларини ота-оналарининг, васийлик ва хомийлик органларининг назоратига топшириш, шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тақиқланган ташкилотларнинг собиқ аъзоларига нисбатан кўрилаётган тарбиявий таъсир чораларининг узлуксизлигини таъминлаш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда.

— Энг аввало, инсонда элу-юртга наф келтириб, жамиятда ўз ўрнини топиши учун мақсад бўлиши керак, — дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги муқаддам судланганларни ижтимоий ҳимоялаш кўникма маркази раҳбари Ислом Саломов. — Ана шундай эзгу мақсад сари олға юришни истаган киши борки, ёрқин келажак сари интилади. Оиласи, фарзандлари ва юрти истиқболи учун қайғуради, ҳаёт моҳиятини тушуниб етади. Бир марта адашиб, боши деворга урилган киши эса бу ҳаётий ҳақиқатни теранроқ англайди, эгри ва қинғир йўллар эмас, балки ҳалол яшаб, эл назарида бўлиш инсонга бахт-иқбол келтиришини юракдан ҳис қилади.

Афв этилганлар учун ушбу кўникма маркази томонидан профилактика инспекторлари ва маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг мураббий сифатида бириктирилгани уларнинг ҳаёт йўли тўғри изга тушишида амалий туртки бўлмоқда. Мураббийлар афв этилганларга керакли маслаҳат ва тавсиялари, ўз ҳаётий тажрибалари билан маънавий кўмак бермоқдалар.

— Маҳалладошимиз Анвар Қўзиев бугун қилмиши ва унинг оқибатларини тўлиқ тушуниб етган, ўзи учун керакли хулосани чиқарган, — дейди Қарши шаҳар "Қарлиқ-боғот" МФЙ раиси Зойир Боймирзаев. — Унга мураббий сифатида бириктирилгач, энг аввало, унинг ўзида жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш борлигини сездим. Ёшларимиз ҳозирги глобаллашув, ахборот алмашишининг кескин ўсиши шароитида ҳар хил салбий оқимларнинг таъсирига тушиб қолмаслиги, уларнинг бандлик даражасини ошириш учун оилада тарбиянинг ролини кучайтириш, йигит-қизларни меҳнатсеварликка ўргатиш, маҳалла ва оилаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятига масъулият билан ёндашиш катта аҳамиятга эга.

Қарши шаҳрилик яна бир фуқаро Анвар Раимов ҳам бир муддат экстремистик оқим таъсирига тушиб, йўлидан адашган фуқаролардан эди. Бугунги кунда "Само Оригинал бизнес" масъулияти чекланган жамиятда фаолият олиб бораётган Анвар қилмишларидан афсус чекиб, тўғри ҳаёт тарзига қайтди. Унинг ҳам келажакдан умиди катта.

— Аввало, биз адашганларни кечирган Президентимиз ҳамда оққўнгил халқимизга мингдан-минг раҳмат, — дейди Анвар Раимов. — Бирор нарсанинг қадри йўқотилганда билинади, деганларидек, мен ҳам озодликнинг қадрини панжара ортига тушганимда ҳис этдим. Уч нафар фарзандим ва оилам бағрига қайтганимнинг ўзи катта бахт. Айни пайтда, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун давлатдан имтиёзли кредит олмоқчиман. Янги иш ўрни яратиш ва халқимга хизмат қилиш асосий мақсадим.

Кечиримли бўлиш азалдан халқимизга хос фазилат. Юртимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат кўпгина адашганларни оиласи бағрига қайтарди. Фақат энди улар бунинг қадрига етиб, имкониятлардан унумли фойдаланишса бўлгани. Зеро, ҳаёт инсонга бир марта берилади.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ҳаёт мактаби

Қайси оила ёки жамоада кўпни кўрган, ёши улуғ отахонлар, меҳри дарё онахонлар бўлса, ўша даргоҳда аҳиллик, файз-барака, фаровонлик, ёшларнинг ишида унум ва ривож бўлади. Халқимизда кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат бажо келтириш азал-азалдан қадрият сифатида улуғланиб келинади. Шу боис уларга эътибор бугунги кунда давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланган.

"ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР"



Самарқанд давлат университети мамлакатимиз олий таълим тизимида ўзига хос ўринга эга таълим масканларидан бири ҳисобланади. Ушбу даргоҳда ёш, забардаст, интеллектуал салоҳиятли ёш кадрлар билан биргаликда кекса ёшдаги, нуроний профессор-ўқитувчилар ҳам елкама-елка меҳнат қилиб, ўз билим, ҳаётий тажрибаларини талабаларга улашмоқда. Улар иштирокида ташкил этилган дарсдан ташқари маънавият соатлари, учрашувлар ва давра суҳбатларида бой тарихимиз, улуғ алломаларимизнинг дунё илм-фанига қўшган улкан ҳиссаси, одоб-ахлоқи, шахсий ибрати билан тарбияни миллий қадрият даражасига кўтарганлигини ҳаётий мисоллар воситасида сўзлаб берилаётир.

Ёши улуғ инсонларнинг дуосини олиш кўнгилларни ёритувчи савобли амаллардан биридир. Халқимиз азалдан кекса авлодга нисбатан ҳурмат-эъзоз, қадр кўрсатганини тарихий манбалар ҳам тасдиқлайди. Улуғ бобомиз — буюк давлат арбоби, Соҳибқирон Амир Темур ҳам ҳар қандай жиддий ишни бошлашдан олдин пиру устозларнинг дуо-ю фотиҳасини олган.

Беназир шоиримиз, ҳазрат Мир Алишер Навоий панду насиҳат дардли кўнгилга мадор бўлиши, яъни кўнгил мақсадга етиши, жон эса роҳат топишини қуйидаги мисраларида бежиз айтиб ўтмаган:

Кўнгил дардига дармондир насиҳат,
Қилоли улга имкондир насиҳат...

Модомики шундай экан, нуронийларимиз ёшларнинг айни куч-ғайрат, шижоат ва ақл-заковатга тўлган пайтларида кўплаб хайрли ва савобли юмушларни қилиши лозимлиги, билим, касбий маҳорат, илмий-маърифий салоҳият ёшликда ўрганилса, бу бутун умр давомида асқотиши, ножўя ишларга берилиб, умрни зое кетказмасликларини қайта-қайта уқтириб боришлари лозим. Зеро, оммавий маданият, турли бузғунчи оқимлар, ёт ғояларнинг ёшлар ҳаётига суқилиб кириб келаётгани, глобаллашув жараёнининг шиддат билан ўзгараётгани, айниқса, маърифат ва тўғри тарбия ҳар қачонгидан ҳам долзарб ва муҳимлигини кўрсатаётир.

Ёши улуғ инсонларга ҳурмат кўрсатиш, уларнинг эзгу ишларини қадрлаш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Шу боис ҳам бугунги кунда Самарқанд давлат университетида кекса авлоднинг бой илмий-педагок салоҳиятидан унумли фойдаланишнинг тизимли шакли яратилган. Университетимиз раҳбарияти ёши катта, кекса профессор-ўқитувчиларни нафақа ёшига етсалар-да, уларнинг билими ва тажрибасидан фойдаланишга эътибор қаратмоқда. Чунки баркамол авлод таълим-тарбиясида улар муҳим ўрин тутади. Устоз-мураббийларнинг панд-насиҳатлари, билим ва тажрибаси талабаларнинг мақсади сари олға қадам қўйишларида ҳаёт мактаби вазифасини ўтамоқда.


Албатта, бу каби эзгу ишлардан кўзланган мақсад нуронийларни эъзозлаш, уларга ҳурмат бажо келтириш, талаба-ёшларнинг ҳам таълимий, ҳам тарбиявий ишларида маслакдош бўлишлари, уларни тўғри йўлдан бориб Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга руҳлантиришдир. Зеро, халқимиз "Қариси бор уйнинг париси бор" деб бежиз айтмаган.

Э. ҚОБИЛОВ,
Самарқанд давлат университети профессори,
Ш. АМИНЖОНОВ,
Самарқанд давлат университети доценти

Инсон манфаати — ҳар нарсадан устун

ФУҚАРОЛАР ЭМАС, ҲУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНМОҚДА

Мамлакатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 декабрдаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида аҳолига хизматлар кўрсатишда мутлақо янги тизим — Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Бундан асосий мақсад — халқнинг оғирини енгил қилиш, "давлат-фуқаро" муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлаш, навбатда туришларни кескин камайтириш, сансалорлик, бюрократия ва коррупциянинг олдини олишдан иборат.



Самарқанд вилояти Нарпай тумани Давлат хизматлари маркази ҳам "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" ғояси асосида аҳолига инновацион технологиялар ва замон талабларига мос эллик турдан ортиқ хизматни таклиф этмоқда. Ҳаётда ҳар биримиз дуч келадиган ҳолатлар, хусусан, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш, фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш, олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатлар топшириш, жисмоний шахс — солиқ тўловчининг солиқдан қарзи йўқлиги (борлиги) ҳақида маълумотнома бериш каби хизматлар шулар жумласидандир.

— Жорий йилнинг ўтган даврида аҳолига 18 минг 700га яқин давлат хизматлари кўрсатилди, — дейди туман давлат хизматлари маркази директори Алишер Ғаниев. — Хизмат турлари тобора кўпайиб бораётгани аҳолининг мазкур муассасага ишончини оширмоқда, мурожаатлари кўпаймоқда. Дори-дармонларнинг чакана савдоси билан шуғулланиш учун рухсатнома бериш, ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш, ипотека тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини лицензиялаш, электрон рақамли имзо калитларини қайд этиш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йил 20 апрелдаги "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги фармони ижроси бўйича ҳам марказ қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, унда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш назарда тутилган бўлиб, жорий йилнинг 30 ноябрь ҳолатига Нарпай тумани Давлат хизматлари марказига 466 нафар жисмоний шахс ушбу ҳуқуқни олиш учун туман ҳокимининг номига ариза билан мурожаат қилган. Шулардан 82 таси "E-ijro" тизими орқали, 384 та ариза жорий йилнинг 28 август кунидан бошлаб "my.gov.uz" тизими орқали Нарпай тумани Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимига юборилди.

Туманда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида" 2018 йил 20 апрелдаги ПФ-5421-сон фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарорига мувофиқ акция доирасида ташкил этилган комиссия ишчи органининг берган хулосаларига асосан кўчмас мулк объектининг 171 таси рад этилган, 78 нафар фуқарога мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича ижобий хулосалар берилган ва шундан 62 нафарига туман ҳокимининг қарори чиқарилди.

— Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун анчадан бери қандай рухсатнома олсам экан, деб ўйлаб юрардим, — дейди фуқаро Умида Акбарова. — Қўшнимдан бу борада туман Давлат хизматлари марказига мурожаат этиш мумкинлигини эшитиб қолдим. Бориб зарур ҳужжатларни топшириб келдим. Мана, бугун рухсатнома қўлимга тегди. Масала шунчалар тез ва осон ҳал бўлишини ўйлаб ҳам кўрмаган эдим.

Мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатишнинг янгича модели иш олиб бораётганига энди бир йил бўлганига қарамай, Агентлик ва уларнинг жойлардаги филиал ҳамда шохобчаларидаги тезкор, қулай ва шаффоф хизмат кўрсатиш тизими кўпчиликнинг қувончига сабаб бўлаётир. Боиси турли давлат органларида сарғайиб, асаббузарлик ва сарсонгарчиликдан чарчаган одамлар мазкур тизим шарофати билан юмушларини тезкорлик билан ҳал қилаётир.


Ислом СУЛТОНОВ,
журналист

Бизнинг шарҳ

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

дунё ва ҳаёт ўзгаришларига олиб келмоқда

Сайёрамизда рўй бераётган глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар ер юзидаги экотизим барқарорлиги, иқтисодиёт ривожи ва инсон саломатлигига жиддий путур етказмоқда. Ушбу экологик муаммоларнинг салбий таъсирларини юмшатиш, табиий мувозанатни барқарорлаштириш, иқлим ўзгаришига сабаб бўлаётган фаолият турларини модернизациялаш инсоният олдида турган устувор вазифадир.



...“Ишдаги ишқ” фильмида бош қаҳрамон: “Табиатда ёмон об-ҳаво бўлмайди, ҳар бир об-ҳавонинг ўзига яраша яхши томонлари бор, қор ёки ёмғир қайси фаслда ёғишидан қатъи назар уни иноят сифатида қабул қилишимиз керак”, дейди. Қирқ йилдан зиёдроқ вақт мукаддам айтилган бу гапга ўша онда бадиий ташбеҳ сифатида қаралган эди, холос...

Йиллар ўтиб, янги — XXI асрга қадам қўйдик. Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгариши инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири эканини тан олди. Бундан сал аввалроқ, яъни XX асрга келиб, дунё иқтисодиёти кескин тараққий этди, табиат қонуниятларига бўйсунмаслик, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик каби омиллар атмосферага беҳисоб “буғхона газлари” чиқарилишига, бу эса иқлим ўзгаришига олиб келди. Натижада Ер юзининг турли нуқталарида фасллардаги ўрин алмашинуви, ҳалокатли табиат ҳодисалари, жазирама, қурғоқчилик, ўрмон ёнғинлари ва бошқа экологик муаммолар юз бераётир. Масалан айрим жойларда, ёғингарчилик миқдори йиллик ўртача меъёрдан ошиб кетмоқда, баъзи ҳудудларда эса сув тақчиллиги кучайиб бормоқда. Шу йилнинг июнь ойи бошида бир қанча мамлакатда дўл ёққани, сув тошқинлари юз бергани, баъзи ҳудудларда кучли бўрон кузатилгани ва ҳатто, Саҳрои Кабирда ўтган йили қор тушгани, айрим минтақаларда қишнинг қаҳратонга айланиши, ёзда ўрмон ёнғинлари кўпаяётгани, бир сўз билан айтганда, об-ҳавонинг ғайриоддий ва ғайритабиий тус олаётгани инсониятни ташвишга солаётир.

Таҳлилчилар сайёрамиз иқлими ҳам табиий, ҳам инсон омили билан ўзгараётганини айтмоқда. Айрим мутахассислар фикрига кўра, иқлим ўзгаришига сайёрамизнинг Арктика қисми исиб бораётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Висконсин университети қошидаги Экология институтининг катта илмий ходими Стивен Ваврус Арктика музликларининг эриши қишнинг қаҳратонга, ёзнинг эса жазирамага айланишига олиб келмоқда, деб ёзган эди.

Шимолий ярим шардаги кўплаб шаҳарларда шу йил қишда ғайриодатий қор бўронлари юз берди. Бунга ўтган йил ёз фаслидаги қурғоқчилик сабаб бўлган. Буюк британиялик профессор Жон Бэддингтон бу каби ҳодисалар йилдан-йилга кўпайиб боришини башорат қилмоқда. Вазият шу зайлда давом этса, биз айни пайтга қадар ғайриоддий деб атаётган ҳодисалар келажакда одатий ҳолга айланиш эҳтимоли катта. Глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммога, албатта, ўзимиз сабабчимиз. Кичик миқдорда бўлса ҳам ёқилган кўмир ёки ҳар бир литр нефт ёки газ атмосферага ёйилади ва бутун сайёрани ҳудди кўрпа сингари қоплаб олиши — “буғхона таъсири” (“парник эффекти”) ҳосил бўлиши табиий.

Иқлимнинг кескин ўзгариши, табиий офатлар ва табиий мувозанатнинг издан чиқиши ўз навбатида озиқ-овқат нархининг ошишига ва шусиз ҳам қашшоқликда кун кечираётган ҳудудларда кутилмаган салбий оқибатларга олиб келиши турган гап. Шу боис ҳам 2080 йилга бориб очарчиликка дучор бўладиган одамлар сони 600 миллионга етиши таҳмин қилинмоқда. Мутахассислар глобал иқлим ўзгаришининг оқибатлари ҳали олдинда экани, келажакда инсоният тез-тез озиқ-овқат инқирозига дуч келиши мумкинлигидан ташвишга тушмоқда.

Иқлим ўзгаришларидан нафақат қашшоқ, балки ривожланган давлатлар ҳам зарар кўришини эътибордан соқит қилмаслик даркор. Чунки иқтисоди юксак минтақаларда сув тошқинлари ёки қурғоқчилик бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Қурғоқчилик ва сув тошқинларидан кейинги тикланиш ишларига эса миллиард-миллиард пул ажратилиши ҳеч кимга сир эмас.

АҚШдаги қурғоқчилик сабаб маккажўхори нархи 23 фоизга ошиб кетган бўлса, айни пайтда жаҳон бозорида ғалла нархи 19 фоиз қимматлашди. Бразилиядаги ёғингарчиликлар шакарқамиш ҳосилдорлиги камайишига ва шакар баҳоси 12 фоиз ошишига олиб келди. Ҳиндистонда муссон ёмғирларининг камайиши гуруч ҳосили қисқаришига сабаб бўлди. Об-ҳавонинг ўзгариши чой ҳосилига ҳам таъсир кўрсатди. Шри-Ланкада кучли ёғингарчилик, Кениядаги қурғоқчилик чой ишлаб чиқаришни камайтириб юборди. Тахминларга қараганда, 2050 йилга бориб, маккажўхори, шоли, ғалла ҳосилдорлиги 25 фоизга камайиши мумкин. Бу вақтга келиб Ер юзи аҳолиси сони 9 миллиардга етишини инобатга олсак, инсоният олдидаги муаммолар кўлами ва хавфи янада ойдинлашади.

Сайёрамизда рўй бераётган глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар чучук сувга бўлган талабни янада оширмоқда. Хусусан, ҳароратнинг кўтарилиши океан сувларига ҳам таъсир қилиб, бу ўз навбатида, балиқларнинг ноёб турлари нобуд бўлишига сабаб бўлади. Балиқларнинг камайиши эса тропик минтақалар аҳолиси озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир кўрсатмай қолмайди. Бу минтақаларда балиқ овлаш сезиларли камайиши, айрим ҳудудларда сув тошқинлари ва об-ҳавонинг кескин исиб кетиши кутилмаган оқибатларга олиб келиши тахмин қилинмоқда.

Доктор Салимуль Хак “илгари биз табиатда юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларни олдиндан билаоламиз, деб ўйлаганмиз, энди эса ҳақиқатан ҳам нималар бўлаётганини кўриб турибмиз” дея таъкидлаган бўлса, Жаҳон метеорология ташкилоти бош котиби Мишел Жарро “авваллари одамлар билимсизликлари туфайли табиатга зиён етказарди, энди бу билимсизликларга бефарқ қараб бўлмайди”, деб бонг уради.

Иқлим ўзгариши биргина ҳаво ҳароратининг ўзгаришини англатмайди. “Глобал иқлим ўзгариши” деганда экотизимда кузатилаётган барча ўзгариш тушунилади. Жаҳон океани сатҳи кўтарилиб бораётгани, музликларнинг эриши, қум заррачаларинг кўчиши кабиларни бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Қолаверса, иқлим ўзгаришлари аҳоли турмуш тарзи ва саломатлиги ёмонлашувига сабаб бўлади. Бу, ўз навбатида, мамлакатларга иқтисодий зарар етказмоқда, барқарор экотизимни беқарорлаштирмоқда. Агар инсоният иқлим ўзгаришининг олдини олиш, экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ўз вақтида зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқмас экан, у ҳолда хавфли табиат ҳодисалари бартараф этилмаслиги аниқ. Мутахассислар “глобал исиш” эмас, балки “глобал иқлим ўзгариши” иборасини қўллаш керак”, деган фикрни ўртага ташлаётгани ҳам шундан.

Етакчи ва ривожланган давлатлар саноат корхоналаридан чиқаётган газлар таркибидаги карбонат ангидрид гази миқдорини камайтириш ҳамон долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Агар бу борада ўз вақтида зудлик билан чора-тадбирлар кўрилмаса хавфсизлик ва глобал фаровонликка қаратилган режалар амалга ошмай қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу боис ҳам таҳлилчилар “буғхона газлари”нинг атмосферага чиқиши тезлашгани, сув тақчиллиги, денгизлар сатҳининг кўтарилиши, музликларнинг эриши ва бошқа хавфли метеорологик кўринишлар барча мамлакатларни қамраб олаётгани ва сайёрамиз экотизимига салбий таъсир кўрсатаётганидан дунё аҳолисини огоҳлантирар экан, бундай экологик муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатиш, табиий мувозанатни барқарорлаштириш ва иқлим ўзгаришига сабаб бўлаётган фаолият турларини модернизация қилиш инсоният олдида турган устувор вазифалардан, дея таъкидламоқда.

“Буғхона таъсири” ҳаётий жараёнларни глобал миқёсда ўзгартиришга қодир бўлган табиий ҳодисалардан бири. Мутахассисларнинг фикрича, “буғхона” (“парник”) юзасига қопланган ойна қуёш ҳароратини тупроққа тўсиқсиз ўтказади, тупроқдан чиқадиган иссиқлик нурларини эса ташқарига ўтказмайди. Оқибатда, парник ичидаги ҳарорат унинг ташқарисидагига нисбатан анча юқори даражада бўлади. Аммо айримлар “буғхона гази”ни “иссиқхона гази” деб аташ билан янглиш тасаввур уйғотаётгани ҳам бор гап. Аслида бу атамалар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Масалан, парник ўзидан чиқадиган буғ билан исийди, иссиқхонада эса ёқилғи ишлатилади. Углероднинг энг таниқли оксидларидан бўлмиш карбонат ангидрид ҳам ердаги ҳаёт учун ана шундай “буғхона таъсири”ни ҳосил қилувчи ойна вазифасини бажаради. Соҳа мутахассисларининг фикрича, қуёшдан келаётган нурлар, атмосфера қатламидан ўтиш жараёнида ҳаво таркибидаги газларни иситиш учун тўртдан бир энергиясини сарфлайди. Бунда асосан узун тўлқинли нурлар ютилиб қолади, Ер юзасига етиб келган Қуёш нури қисман аксланиб, яна коинотга қайтади. Қолган қисми Ер юзасини иситишга сарфланади. Маълум даражада қизиган Ер ҳам ўзидан иссиқлик тарата бошлайди. Аммо бу нурларнинг тўлқин узунлиги қуёшдан тушаётган нурларнинг тўлқин узунлигидан кескин фарқ қилади. Бундай нурларни ҳаводаги карбонат ангидрид гази қатлами ўтказмайди ва тўлалигича ютиб қолади. Шу тариқа, Ер юзасида ҳаёт учун мўътадил ва нисбатан қулай бир хил иқлим шароити сақланиб туради.


Глобал иқлим ўзгариши инсон фаолияти оқибатида келиб чиқаётгани, атмосферанинг ифлосланиши инсоният томонидан углеводородлардан энергия манбаи сифатида фойдаланиш натижаси эканлиги аниқ далиллар билан исботланган. Аввалига Европада саноатда асосан кўмирдан фойдаланилган бўлса, XIX аср охири — XX аср бошларида унинг ўрнини нефть ва газ эгаллай бошлади. Яқин ўн йил ичида энергия олишда углеводород хом-ашёси асосий манба бўлиб қолиши таъкидланмоқда. Мавжуд вазиятнинг жиддий тус олаётгани халқаро ҳамжамият томонидан тан олиниб, айни дамда бундай талофатларни имкон қадар камайтириш юзасидан зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқяпти. Бироқ шунга қарамай, саноатнинг жадал ривожланаётгани туфайли атмосферада карбонат ангидрид гази миқдори йил сайин ортиб бормоқда. Қолаверса, 2025 йилга бориб нефть 50, табиий газ 70 ва кўмир истеъмоли 60 фоиз, ядро энергияси ва қайта тикланувчи манбаларга бўлган эҳтиёж — 5,3 ва 7,6 фоиз ошиши башорат қилинмоқда. Шундай экан, иқлимни ўрганиш ҳамда иқлим ўзгаришининг табиий жараёнларга таъсирига оид янги ёндашувлар ишлаб чиқиш, углеродларни атмосферага кам чиқариш ҳамда иқлим барқарорлигига асосланган ривожланишни молиялаштириш орқали иқлим ўзгариши масалаларини ҳал қилиш жаҳон ҳамжамиятининг доимий эътиборидаги масалалардан бўлиб қолаверади.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
халқаро шарҳловчи

Рангин дунё

СУЗУВЧИ СТАДИОН







Дунёда донғи етти иқлимга етган спорт ўйингоҳлари етарлича топилади. Айниқса, миллионлар ўйини — футбол мусобақалари ўтказиладиган стадионлар ўзининг меъморий ечими, замонавий архитектура дизайни, томошабинлар сиғимига кўра бир-бири билан беллашиши мумкин. “Уэмбли”, “Камп-Ноу”, “Сантьяго Бернабеу”, “Олд Траффорд”, “Маракана” ана шундай оламга машҳур стадионлардан саналади.

Албатта, булар Европа ва Америка қитъасидаги ривожланган мамлакатларда барпо қилинган. Лекин яна бир донгдор футбол ўйингоҳи борки, у на Европа, на Америка, на қуруқликда, балки Сингапурдаги Марина Бей кўрфазида — сув устида барпо этилган.

Сингапурда аҳоли жуда зич жойлашган. Чунки мамлакат 60 дан ортиқ оролдан иборат. Қуруқлик қисми кам. Шу боис ҳукумат иншоотларни сув устида қуриш ва бу билан қуруқликни тежашни афзал билади.

Сув устида сузувчи стадион махсус конструкцияга эга. Бу, албатта, одатий ўйингоҳлардан анча қимматга тушади. Сингапурликлар ўзимиздаги “пул кетса, кетсин, обрў кетмасин”, деган нақлни “пул кетса кетсин, қуруқлик кетмасин” тарзида ўзгартирган ҳолда узунлиги 120 метр, кенглиги 83 метрли стадионни сув устида қуришга қарор қилган кўринади. Эндиликда ушбу майдонда нафақат футбол ўйинлари, балки концертлар, байрам тантаналари ҳам ўтказиб келинаётир. Шунинг учун иншоотни сузувчи саҳна, деб ҳам аташ мумкин.

Ўйингоҳ конструкциясини кўтариб турган платформа пўлатдан ишланган бўлиб, унинг ўлчами ўйингоҳ ўлчамидан бироз катта. Ушбу сузувчи стадион бир тоннадан ортиқ оғирликни кўтара олади. Бу ўртача 2 минг кишининг оғирлигига тенг. Стадионнинг 30 минг томошабинга мўлжалланган трибунаси эса қуруқликда жойлашган.

Марина Бей кўрфазидаги ушбу спорт мажмуаси Сингапурнинг эътиборга молик иншоотига айланиб улгурган. Кўплаб туристлар Сингапурга ана шу стадионни кўриш учун ҳам келиши бежиз эмас. Қолаверса, ўйингоҳ ёнида сон-саноқсиз меҳмонхоналар жойлашган. Ушбу меҳмонхоналар ойнасидан стадионни бемалол томоша қилиш мумкин. Беш юлдузли “Marina Bay Sands” — меҳмонхоналар орасида энг машҳури.

Сингапур сув устида иншоот қуриш лойиҳаларини 1960 йилдан буён қўллаб-қувватлаб келмоқда. Улар кўлами эса йил сайин кенгайиб бормоқда. Бунинг натижасида қуруқликдаги ер тежаляпти. Масалан, айни лойиҳа туфайли 8 минг 640 квадрат метр ер майдони тежаб қолинган.

Сингапур гарчи фойдали қазилмаларга эга бўлмай туриб (ҳатто ичимлик суви ҳам қўшни давлатлардан сотиб олинса-да), мустақилликка эришганидан сўнг қисқа муддат ичида Осиёдаги энг ривожланган давлатлардан бирига айланди. Мамлакатга бутун дунёдан йирик инвесторлар жалб қилинди, уларга имтиёзлар берилди, қулай шароит яратилди. Бунинг натижасида Сингапур иқтисодиёти жадал ривожланди.

2010 йилги ёзги ёшлар Олимпиадасининг очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳам сузувчи стадионда ўтказилгани эътиборга молик воқеалардан ҳисобланади. Қолаверса, майдон ва томошабинлар ўриндиқлари орасида Формула-1 пойга трассаси ўрин олган бўлиб, бу ерда Сингапур Гран-при мусобақалари ўтказилади. Сингапур миллий стадиони реконструкция қилинаётган вақтда ҳар йили анъанавий тарзда 9 август санасида бўлиб ўтадиган Сингапур миллий байрами ҳам сузувчи спорт ўйингоҳида ташкил этган.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Миллий ҳунармандчилик

ГИЛАМДЎЗЛИК — ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

Ишлаб чиқариш саноатининг турли тармоғи ривожланиши у ёки бу ҳудуднинг ижтимоий, табиий шароити ва табиий бойликлари билан боғлиқ. Шу сабабли Ўрта Осиёнинг кўчманчи халқларида гилам ва турли нақшли тўшамалар ишлаб чиқариш, ўтроқ халқларда эса каштачиликнинг ривожланиши, гилам ва тери каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш эрамиздан олдинги I асрнинг иккинчи ярмидаёқ мавжуд бўлган.



Шарқ гиламчилик санъатига Европа олимлари гарчи кўпдан қизиқа бошлаган бўлсалар-да, лекин унга санъат материали сифатида қараш ва ҳақиқий илмий тадқиқот ишлари олиб боришга XIX аср охири ва XX аср бошларида киришилган. Ўрта Осиё халқлари гиламчилик санъати тарихи ва бу санъатнинг ўзига хос хусусиятларини ёритишда А.Семёновнинг "Туркистон гиламлари" асари муҳим аҳамиятга эга.

Ўрта Осиё гиламчилиги уч асосий гуруҳга бўлинади ва бу санъат билан, асосан, туркман, ўзбек ва қирғиз халқлари шуғулланган. Ўрта Осиё гиламлари, хусусан, гиламчилик санъатига оид буюмлар ҳақида машҳур сайёҳ Марко Поло: "... гилам маҳсулотлари кўчманчилар ўтовининг асосий жиҳози, рўзғор буюмларининг зарурий қисми, ҳатто ўтовнинг ҳар бир қисми учун алоҳида формали гилам тўқилган ёхуд гиламчилик маҳсулотларининг ҳар бири ўзига хос вазифани бажаради" деб ёзади.

Гилам тўқиш халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган тури бўлиб, у кўп асрлик миллий анъана ва узоқ тарихга эга. Унинг тарихий аҳамиятини дунё халқлари музейларида сақланувчи гиламдўзлик ёдгорликлари, турли коллекциялар, бадиий фондлар, шунингдек, тарихий қўлёзмалар ҳам тасдиқлайди. Гиламдўзлик санъати барча халқда қадим замонлардан бери мавжудлигини археологик топилмалардан ҳам билиш мумкин. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимдан Уссури, Бобил, кейинчалик Эрон, Ҳиндистон, Туркия гиламлари машҳур бўлган. Эронда гиламдўзлик, айниқса, шоҳ Таммаша (1524–1576 йиллар) ва шоҳ Аббос даврлари (1586–1623 йиллар)да кенг ривожланди. Гилам тўқиш учун асосан жун, ипак ва зар иплардан фойдаланилган. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида гилам тўқиш санъати XI–XII асрларда кенг ривожланган. Бухоро, Хива, Андижон, Ургут, Қарши ва бошқа ҳудудларда асосан тўқима гиламлар тайёрланган. Улар ўзининг ўсимликсимон, геометрик нақши, бежиримлиги, табиийлиги ва сифати билан машҳур эди.

Дастлаб қадимда гиламнинг босма гилам, яъни маҳаллий халқ тилида кигиз деб аталувчи тури пайдо бўлган. Гиламнинг бундай турини тўқиш туркман гиламчилигида кенг ривожланган. Гилам ўғуз шевасида "ғали", турк, озарбайжон, туркман тилида "хали" деб аталган.

— Гиламдўзлик қадимий санъат турларидан бири сифатида асрлар оша авлоддан-авлодга мерос бўлиб келмоқда, — дейди ҳунарманд Мастура Маҳмудова. — Шу сабаб унинг қадр-қиммати, бўлакча. Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи халқлар қадимда асосан чорвачилик билан машғул бўлган. Шу боис гилам-тўшамалар ва жундан тўқилган буюмлар кўчманчи қабилаларнинг эҳтиёжини қондирган. Гиламлар, нақшли кигизлардан ўтовларнинг устини ёпиш, ерга тўшаш ҳамда тўрт ғилдиракли араваларга соябон қилиш учун фойдаланганлар. Ўтовнинг ичи ва ташқариси гиламлар, турли нақшли буюмлар билан безатилган. Булар фақат безак бўлмай, одамларни ёзда қуёш нуридан, чангдан, қишда эса совуқдан сақлаган. Ўтовнинг ичкариси — ерга юмшоқ ва иссиқ намат, тўшама ва гиламлар тўшалган. Ҳатто уйнинг бошқа кўп жиҳози, чунончи, ҳар хил мебель вазифасини бажарувчи буюмлар — сандиқ, сумка, қоп, хуржун ва от ёпиқлари ҳам гилам кўринишида тўқилган. Жундан йигирилган иплардан турли кийим-кечак ҳам тикилган.

Гиламдўзлик қадимдан аёллар орасида кенг тарқалган ҳунар тури бўлган. Айниқса, чорвачилик билан шуғулланган халқларнинг асосий фаолият тури ҳисобланган. Гиламни ўсимлик (пахта, зиғир, жун)дан тайёрлашган. Бугунга келиб сунъий толалардан ҳам тўқилмоқда. Гилам ўтмишда ер бағирлаб ётиқ ҳолда ўрнатилган пастак дастгоҳларда тўқилган. Ҳунармандлик яхши ривож топган жойларда эса тўқув дастгоҳларининг анча мукаммаллаштирилган ва бир неча тўқувчи ёнма-ён ўтириб бирданига тўқийверадиган кенг ўқ (ғалтак)ли хиллари ясалган. Қўлда гилам тўқиш Ўрта Осиёда, айниқса, Туркманистонда кенг ривожланган. Бу ғоят сермашаққат иш бўлиб, етук, ўз ишининг устаси бўлган гиламдўз 1 квадрат метр патли гилам тўқиш учун бир ойга яқин вақт сарфлайди. Шунинг учун қўл меҳнати маҳсули бўлган гилам қимматбаҳо бўлади.

Гиламлар калта патли (3–7мм) ва узун патли (7–17мм) қилиб тўқилади. Ўзбек гиламлари қўй ва туя жуни, пахта ипидан тўқилади. Бошқа халқларда ипак ҳам ишлатилади.

Гиламнинг тўқима (гули тўқиладиган) ва тикма (тайёр буюмга тикиладиган) ва босма (гули бўяб босиладиган) хиллари бор. Ўзбекистонда тўқима гиламнинг икки тури — патли ва патсиз (ёки палос) гилам тайёрланади. Гиламларнинг нақш турлари хилма-хил рангда ва турли-туман шаклда бўлиб, бунда, асосан, геометрик, қисман ўсимлик шаклларидан фойдаланилади. Гул-нақшлар, одатда, махсус мутахассис рассомлар томонидан тайёрланган эскизлар асосида тўқилади ва босилади. Ҳозирда гиламлар буюк кишиларнинг портретлари, таниқли ёзувчиларнинг машҳур асарларига чизилган расмлар, шунингдек, атоқли рассомларнинг расмларидан нусха кўчирилиб ҳам тайёрланмоқда.

Халқимиз маънавиятини бойитиш, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида она Ватан, аждодларга ҳурмат туйғусини қарор топтиришда миллий анъана, қадрият ва халқ ҳунармандчилигининг ўрни беқиёс. Бугунги кунда давлатимиз томонидан олиб борилаётган амалий ишлар, ҳунармандларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган имконият, шарт-шароитлар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий ҳунарларимизнинг тараққий этишига хизмат қилмоқда. Гиламдўзлик билан шуғулланадиган ҳунармандларнинг ҳаётий тажрибаларидан фойдаланиш, моддий ва маънавий меросларини ўрганиш, маҳаллий, ҳудудий, тарихий, этник, миллий жиҳатларини амалда қўллаш, ёшларга гиламчилик сир-асрорларини ўргатиш, меросимизга бўлган ҳурматини ошириш келгусида ушбу ҳунарнинг янада тараққий этишига замин яратади.

Мирзо САИДОВ,
Республика "Хунарманд" уюшмаси аъзоси

РЕКЛАМА

XALQ BANKI

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

26

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига йигирма олти йил тўлиши муносабати билан барча юртдошларимизни муборакбод этади!

Шу билан бирга қулай ва даромадли бўлган

Миллий валютада «Хазина–1» муддатли омонати

муддатли омонат турини таклиф этади!
Ушбу омонат фоизлари:
– 13 ойга йиллик 17 фоиз;
– 25 ойга йиллик 18 фоиз.

Омонатга маблағлар нақд ва пластик карталар орқали қабул қилинади.
Ҳисобланган фоизлар эса Сиз истаган усулда ойма-ой тўлаб берилади.
Унутманг, Халқ банкидаги маблағингиз ишончли сақланиши давлат томонидан кафолатланади.

Қўшимча маълумотларни банкнинг ҳудудий филиалларидан олишингиз мумкин.

100096, Toshkent sh., Qatortol ko'chasi, 46
+998 71 200-00-55
@xalqbanki
www.xb.uz
info@xb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Семинар

АМАЛИЙ САНЪАТ ДУРДОНАЛАРИ — ХАЛҚИМИЗ МЕРОСИ

у туризм тараққиётига ҳам хизмат қилади

Маданият вазирлиги Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида "Музей — маданият ўчоғи" номли илмий-амалий семинар ташкил қилди. Тадбирда вазирликнинг Музейлар ва кутубхоналарни ривожлантириш бошқармаси вакиллари, музей илмий ходимлари, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Айни вақтда республикамизда 350дан ортиқ музей ва кўргазма муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг 106 таси давлат музейларидир. Шундан 43 таси асосий музей, 63 таси бўлим ва филиал ҳисобланади. Учта музей-қўриқхона, 17 та уй-музейи ҳам фаолият олиб бормоқда.

Семинарда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги "2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар, юртимиздаги музейлар фаолияти, уларнинг ютуқ ва камчиликлари, илмий изланишлар олиб боришда аҳамият берилиши лозим жиҳатлар таҳлил қилинди.

— Талабаларга бир неча йилдан буён музейшунослик фанидан дарс бериб келаман, — деди Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти профессори Усмон Қорабоев. — Музейлар моддий ва маънавий меросни асраш ва ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутади. Музейшунослик ривожи, ўз навбатида туризм тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис институтимизда "Музей туризми", "Экспертиза" йўналиши бўйича малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Этнография бўйича дарс соатларини, дарсдан ташқари амалий машғулотларни музейларда ташкил қилиш жуда самарали ҳисобланади. Зеро, ушбу маскан нафақат ўтмиш билан бугунни акс эттирган даргоҳ, балки олимлар, тадқиқотчилар учун бой илмий манбалар базаси ҳамдир.

Илмий-амалий семинарда анъанавий ва ноанъанавий музейлар, инсонларни қизиқтирадиган барча соҳа бўйича музей ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари, уни экспонатлар билан бойитиш, экспозициялар ташкил этиш, соҳада инновация масаласи сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

Музейлар ва маданий мерос объектларининг туристик салоҳиятини ошириш мақсадида хорижий тилларда ахборот материаллари тайёрлаш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш юзасидан тажриба алмашилди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейининг фаолияти, бу ердаги ранг-баранг экспозициялар билан яқиндан танишди.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши вилоятдаги 22 та туман ва шаҳарда 2 донадан партиянинг мақсад-вазифалари акс этган панно-баннерларни тайёрлаш ва ўрнатиш мақсадида **ТЕНДЕР** эълон қилади.

Талаб этиладиган шартлар қуйидагича:

44 дона (340 гр) баннернинг ҳар бири рангли чоп этилади ва алоҳида люверсланади.
Оралиғи — 25 см.
Тошкент вилоятида ўрнатилган реклама конструкцияларига монтаж (арқон билан боғланади) қилинади.
Ўлчами — 3х6 метр ҳажмда

Тижорат таклифлари қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши
Маълумот учун тел: (71) 239-27-46, (71) 239-27-53.
Электрон почта манзили: mt.toshvil@umail.uz

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши партия Музработ туман кенгаши раиси Мансур Бойпўлатовга волидаи мухтарамаси
Ойнабод ХОЛЯРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

MILLIY TIKLANISH
VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1216, Адади — 3500. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Умида УЗОҚОВА
Навбатчи: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.00. ЎзА якуни — 21.25
ISSN 2010-7714
1 2 3 4 5 6